O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV №

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 25-iyun • № 25 (3751)

ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҚЛАРИ

Фарғона, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида мамлакат Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларияро "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танловининг республика минтақавий якунловчи босқичлари бўлиб ўтди.

Ўтган шанба оқшоми Фарғонадаги Ёшлар маданият ва спорт маркази "Истиқлол қўшиқлари" шиори остида ўтаётган кўрик-танловнинг Фарғона водийси олий ўқув юртлариаро якунловчи босқич иштирокчилари билан гавжум бўлди. Анъанавий "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танлови қатнашчиларини Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Шавкат Аюпов, фарғоналик таниқли полвон ва адиб Турсун Али Муҳаммад, вилоят ҳокимлиги раҳбарлари, аълочи талабалар самимий қутладилар. Фарғона вилояти санъат юлдузларининг гала концерти уйғунлигида ўтган танловни Андижон давлат Тиллар институти талабалари бошлаб бердилар. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг "Ўзбек" деб номланган шеъри асосида яратилган бу дилбар ашулани "Келажак сарварлари" дастаси маҳорат билан ижро этиб, катта олқишларга сазовор бўлди. Шундан сўнг Фарғона водийсидаги бошқа олий ўқув юртларининг талабалари ҳам ўзлари тайёрлаб келган бир-биридан гўзал қўшиқ ва бадиий композицияларни томошабинлар ва танлов ҳайъати аъзолари эътиборига ҳавола этиб, муносиб ўринларни эгалладилар.

Аввало. барча олий ўқув юртларининг жамоалари "Энг яхши ижро учун", "Энг яхши мусиқа учун", "Энг яхши режиссура" каби турли номинациялар бўйича кўрик-танлов лауреатлари бўлдилар. Фарғона давлат университетининг "Нилуфар" талабалар театр студияси жамоаси И.Турсунов шеърига басталанган "Саждагоҳимсан, Ватан!" қўшиғи учун танловнинг биринчи, Наманган давлат университетининг "Дилрабо" жамоаси З.Мансуров шеърига басталанган "Халқим" қўшиғи учун иккинчи, Андижон давлат университетининг "Ҳумо" ашула ва рақс дастаси таниқли шоир С.Саййид шеъри асосида яратилган "Бағишлов" қўшиғи учун учинчи мукофотга сазовор бўлдилар.

Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Термиздаги олий ўқув юртларининг талабалари эса "Истиқлол қўшиқлари" шиори остида ўтаётган анъанавий қўшиқ байрамининг минтақавий якунловчи босқичига Самарқанд шаҳрида йиғилдилар. Кўҳна ва навқирон шаҳарнинг байрамлардагидек безатилган "Мўъжиза" амфитеатри душанба куни ҳар қачонгидан-да гавжум бўлди. Самарқанд шаҳар ҳокими М.Ҳошимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Ш.Аюпов, Президент стипендиати, СамДУ талабаси Т.Султоновлар қўшиқ байрами иштирокчиларини самимий қутлаб, бу байрамнинг ёшларни Ватанга садоқат ва миллий ватанпарварлик руҳида камол топтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Шундан сўнг саҳнага биринчи бўлиб, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг "Шодиёна" жамоаси, Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтининг "Улуғбек юлдузлари" ва бошқа олий ўқув юртларининг жамоалари таклиф этилдилар. Она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида яратилган гўзал қўшиқлар катта олқишлар билан кутиб олинди. Кўрик-танловда меҳмон сифатида иштирок этган самарқандлик хушовоз хонандаларнинг чиқишлари ҳам олий ўқув юртларининг ёш истеъдодлари тайёрлаб келган қўшиқларга ҳамоҳанг янграб, танловга янада жўшқинлик ва байрамона руҳ бағишлади.

Шу куни ёшларнинг миллий истиқлол руҳидаги қўшиқлари кўҳна ва навқирон Самарқанд осмонини шўх-шодон наволарга тўлдирди. Ёшлар иштироҳат боғини тўлдириб рақс тушдилар, ўйнаб-кулдилар. Талабалар Ўзбекистон байроғи ва турфа рангли шарларни бошлари узра силкитиб, танлов қатнашчиларини олқишладилар. Ҳакамлар ҳайъати тўрт жанубий вилоят олий ўқув юртлари талабаларининг энг моҳирона яратилган истиқлол руҳидаги қўшиқларини муносиб баҳоладилар. Биринчи ўринга Самарқанд давлат университетининг "Гулдаста" бадиий жамоаси шоир Жамол Сирожиддинов шеърига басталанган "Ватан зикри" композицияси учун сазовор бўлдилар. Бухоро давлат университетининг "Бухоро наволари" бадиий жамоаси "Навоий дунёси" композицияси учун кўрик-танловнинг иккинчи мукофотига лойиқ кўрилди. Қарши давлат университетининг "Зиё" бадиий жамоаси ва Термиз давлат университетининг "Жайҳун" фолклор-этнографик ансамбли томонидан тайёрлаб келинган қўшиқлар ва рақс композициялари кўрик-танловнинг учинчи мукофотига муносиб деб топилди.

Кеча Нукус шаҳрида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикаси олий ўқув юртлариаро "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танловининг республика минтақавий якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

ҲАРАКАТДАГИ ФИКР ОДАМЛАРИ

Журналист қиёфасини намойиш этмоқчи бўлган оператор ёки суратқаш уни кўпинча ёзув машинкасими, компьютер олдида тасвирга туширади. Аслида, журналист қиёфасининг бош белгиси бу эмас. Бу касб эгалари — муттасил ҳаракатдаги фикр одамлари.

Улар қуёш ўз ўтидан беҳол чоғларда алангаи оташ далада экин оралаётган деҳқон, қуш кўзидай чигитга термулиб, янги нав пахтасининг тоғдай хирмонларини тасаввур этаётган, ўз тасаввурларидан куч олаётган олим, ҳаёт йўлларида адашиб, хатолари юкидан майишиб, қора курсига чўккан жиноятчи билан... ва бошқа жуда кўп ҳолату кайфиятдаги кишилар билан бирга фикрлайдилар.

Жамиятдаги бирор касб тафаккур доирасидан четда эмас. Аммо журналистларга ўша фикрларни айтиш ва ёзиш ҳуқуқи берилган. Бу — баланд, улкан ва жуда масъулиятли ҳуқуқ.

Қарамлик, қулликнинг асосий белгиси сукунат ёки ёлғон бўлганидек, озодликнинг асосий белгиси айтиш ва ёзиш, ҳаққоният. Айнан шунинг учун ҳам тузумлар, даврлар ўзгаргани, эҳтимол, баъзи касб-корлар характерида кескин ўзгаришлар ясамаса ҳам, қарамликдан озодликка ўтиш журналистикада қора ва оқ ранглардаги фарқлардек аниқ билиниб туриши зарур.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, узоқ йиллар давомида пўлат сандиқларда қулфланиб, кўриқчилар милтиқ билан кўриқлаган мавзулар озодлик кучи билан очилди. Империалистларнинг юртимизни қўшиб эмас, қонга ботириб босиб олгани, кўксини қалқон қилиб курашганлар бебошлар, ўғрилар, босмачилар эмас, миллий озодлик курашчилари, одамларни ғафлатдан уйғотмоқчи, эгилган бошларни, титраётган тиззаларни кўтармоқчи бўлганлар ҳам халқ душманлари эмас, уйғоқ кўз, уйғоқ қалб эгаси бўлганликлари матбуотимизнинг асосий мавзуларидан бири бўлди. Ўтмишни таҳлил этиш осон-да, бугунда туриб бугунни ёзиш қийин, деган таъналар бўлди қаламкашларга. Юқорида саналган мавзуларнинг очилгани, ёзилгани, ёзилаётгани "ўзбек халқи қуллик бўйинтуруғига ювошгина бўйин тутиб берган, курашмаган" деган тавқи лаънатдан бизни қутқаради. Майли олим, майли шоир, майли журналист ёзсин, шу оқловнинг ўзи учуноқ мен бу мавзулар ёритилишини журналистикамизнинг мустақиллик йилларидаги энг залворли ютуғи, деб ҳисоблайман.

Шу ўтган йилларда оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ноширлик фаолияти тўғрисида", "Журналистика фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида" каби Қонунлар билан тартибга солинди.

"Ҳақ олинади, берилмайди", деган тарих синовларидан ўтган ҳикмат бор. Ҳақни олишга бугунги журналистика учун мазкур қонунлар асосий қувват манбаларидир.

Озодлик сўз айтиш тарзининг хилма-хиллиги, майдоннинг кенгайганлигида ҳам намоён бўлади. Мустақиллик даврида юртимизда матбуот нашрлари, хусусий телевидение, радио каналлари фаолият кўрсата бошлади. Албатта, вақт ўтиб, бу нашр ва каналларнинг мунажжим башоратию туш таъбири билан мухлис орттираётганлари давр элагидан тушиб қолади.

Чунки, ҳарна бўлганда ҳам, Озодлик ўзининг нималарга, қандай яхшилик, қандай ҳақиқатга қодирлигини кўрсатади. Шунинг учун мен нашрлар кўпайганидан "эрта-индин оилавий газеталар ҳам чоп этилади" деган бироз истеҳзали қарашлар тарафдори эмасман. Очилсин, ҳар бир фуқаронинг ўз минбари бўлсин, эркин айтсин, ёзсин! Ахир, мустақиллик деб нима учун одамлар кундага бош қўйган?! Бўғзида сўзи қотмаслиги, кўз ёши ичига оқмаслиги, сукут дарёсига чўкиб ётмаслиги учун!

Мустақиллик давридаги ўзбек журналистикаси ҳақида ўйлаганимизда, ҳамма нарсадан олдин цензура қопқонидан, цензура эрксизлигидан халос бўлганимизни айтгимиз келади.

"Соатлаб цензорлар эшигида турардик, улар жиноятни фош этувчи қораловчию, биз гуноҳкордек ҳар жумламизга изоҳ берардик... Ҳаммасидан қутулдик", дея эслашади ҳамкасбларимиз. Бу навбату, изоҳлашлар бир тараф... Аммо аслида озодлик учун, озод юрт матбуоти учун "цензор" деган жандармлар терминининг ўзи иснод. Ўзи номуносиб. Биз ўша исноддан халос бўлдик. Ютуғимиз, топганимиз — шу.

Одатда, касб байрамлари куни ҳамкасблар бир-бирини муборакбод этадилар, яна бир байрамга биргаликда, омон-эсон, қалбимизда орзулар, қўлимизда қалам билан етиб келдик, дейишади. Албатта, мен ҳам шу қутловларга қўшилган ҳолда, ҳар бир касб байрамимиз муаммоларимиз, бурчларимиз ҳақида ўйлашиб, кенгашиш учун яна бир имкон, сўзлашайлик, баҳслашайлик, дегим келади. Чинакам халқ овози бўлаётган жасоратли, фидойи, ишқуяр ҳамкасбларимга чарчаманглар, дея алоҳида эҳтиром билдиргим ҳам бор...

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

27 ИЮН — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЗИММАДАГИ МАСЪУЛИЯТ ЗАЛВОРИ

Маънавият ва маърифатга, ҳар томонлама баркамолликка алоҳида эътибор берилаётган бугунги кунда журналистнинг масъулияти янада ортган. Агар ҳар биримиз ўзимизга "Мен нега бу касбни танладим? Ўз фаолиятим билан элюрт учун қандай фойда келтиряпман? Яна нималарни амалга оширишга имкониятим етади?" деган саволларни бот-бот бериб турсак, ёмон бўлмайди. Чунки журналист фаолиятидан қутиладиган асосий мақсад, менимча, қандай қилса, машҳур бўлиб кетиш, тилга тушиш ёки бирор манфаат кўзлаш эмас, балки озгина бўлса-да, кишиларга маънавий мадад бериш, дунёқарашларига таъсир этиш, оғирини енгил қилиш, мададкор бўлишдир. Афсуски, ҳозир журналистикага қадам қўяётган аксарият ёшларимизда мен манфаатлар устунлигини, машҳурликка ўчликни, моддиятга интилишни кўраман. Тўғри, журналист ҳам ҳар қандай замонавий неъматлардан баҳраманд бўлишга, моддий жиҳатдан таъминланган ҳолда ўзига тўқ яшашга ҳақли. Лекин ҳалоллик, билимдонлик, меҳнаткашлик билан эришиш мумкин буларнинг барига.

Муҳими, қўлига қалам олиб, журналистлик нонини ейишга аҳд қилган ҳар бир йигит-қиз, бу нонинг меҳнати қаттиқ, машаққатли бўлсада, мағзи ширин ва тўқ бўлишини дилдан ҳис этиши, касбини севиши ва унинг масъулияти залворини ҳар қадамда ҳис қилиб туриши керак.

Байрам арафасида барча ҳамкасбларимни қутлар эканман, сафларимиз билимдонлар, ҳақиқий қаламкаш-заҳматкашлар эвазига кенгайиб бораверишини тилаб қоламан.

Гулчеҳра УМАРОВА

Бундан 4-5 йил олдин журналистика факультетининг иккинчи курсида ўқиб, таҳририятлардан бирида ишлаётган бўлажак журналист йигитча билан суҳбатлашиб қолдим. Гап айланиб китоб, хусусан, бадиий адабиёт ўқиш масаласига бориб тақалди. Мен ҳозирги талабалар бизнинг давримиздагига нисбатан кам мутолаа қилишлари ҳақида гапирдим. Шунда ҳалиги йигитча кам ўқиш у ёқда турсин, ўзининг шу вақтгача бирорта бадиий асар ўқимаганини ҳеч бир истиҳоласиз, мақтаниш йўсинида айтганида ҳайрон қолдим. Ҳамон ўша воқеа-ёдимга тушса, газетачиликнинг машаққатли, аммо қизиқарли оламига кириб улгурган бу талаба-журналистнинг ўз саводсизлигини кўз-кўзлашдан ор қилмаганига тушунолмайман. Бу нима: савиясизликми ёки нодонлик?

Ҳар ҳолда, журналист бўлиш истагидаги одамнинг бу қадар масъулиятсизлиги, ўз касбига енгилтаклик билан муносабатда бўлиши кишини ташвишга солади. Шубҳасиз, бу хусусий ҳол эканига ишонгиси келади кишининг. Лекин, барибир, бугун шундай журналист-талабалар борлигининг ўзиёқ ҳаммамизни ҳушёр торттириши керак, деб ўйлайман. Чунки шифокор ва педагогнинг хато қилишга, адашишга қанчалик ҳаққи йўқ бўлса, журналистнинг масъулияти ҳам шу қадар катта бўлиши лозим. Зеро, журналист — маънавият шифокори. Одамлар телевидение, радио, матбуот орқали сўз айтаётган журналистга ишонади, у ҳақиқатни сўзлаяпти, деб ўйлайди ва унга эргашади. Агар улар ишонган одам саводсиз ё чаласавод бўлса, у ёғини тасаввур этаверинг.

Албатта, касб байрамимиз арафасида ҳамкасбларим, хусусан, ёш дўстларим ҳақида танқидий фикрлар айтиб, уларнинг кайфиятига таъсир кўрсатиш фикридан йироқман. Бугун журналистлар орасида ўз касбининг фидойилари бўлган, ҳаёти мазмунини газета-журналларсиз тасаввур қилолмайдиган, матбуотда, радио-телевидениеда "қоврилиб" яшашни бахт деб биладиганлар кўп. Улар орасида ёшлар ҳам оз эмас. Ҳамкасбларимнинг дадил-дадил чиқишлари, муҳим муаммоларни ўртага ташлаб, халқ ташвишини енгиллатиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари касбимга меҳримни янада оширади. Айниқса, Ўзбекистон миллий ахборот агентлигида Анвар Бобоев, Назокат Усмонова, Нодир Ўлжабоев, Олим Норбеков каби дадил, дунёқараши кенг, фикрлаши замонавий ёшларнинг кўпайиб бораётгани, бошқа газета-журналларда ҳам ўз ўрнига эга ёш журналистларнинг номлари бот-бот учраётгани соҳамиз келажагига катта умидлар уйғотади.

Лекин, назаримда, ҳали бу ҳаракатлар жонланиши, эркин фикрлайдиган, дадил, ҳар масалада ўз қарашига эга бўлган ижодкорлар сафи янада кенгайиши керак. Бунинг учун барча шарт-шароит бор. Гап имкониятларни суиистеъмол қилмаслик, юз-хотирчиликка бормаслик, ўз устида тинимсиз ишлаш, мутолаа ва замонавий техникадан унумли фойдалана билишда қолган.

ЧУСТИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

"ҚУЙРМАН ОТАШИ ҲИЖРОН АРО..."

Ҳақиқий шеър чиндан ҳам қалбга тез етиб боради. Узоқ вақт ёдда сақланади. Биргина мисол. Бу воқеага олтмиш йилдан ошди. Ўшанда Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовнинг само гумбазларини титратган авж пардали хонишларидан сўнг концертларда кам учрайдиган бир воқеа юз берди. Олдинги қаторда ўтирган шоир Чустийни Охунжон қизиқ саҳнага таклиф этди. Чустий домла ўша вақтларда халқ орасида машҳур бўлиб кетган анчагина ғазалларини авж бир маҳорат билан ўқигач, костюмининг ён чўнтагидан учтўрт варақ қоғоз чиқариб: «Шу бугунги ижоддан» дея залдагиларга изоҳ бергач, яна икки ғазал ўқиди.

Бошдаги рўмоли бўлсам, турса жонон уйқудан,
Сурма бўлсам кўзига, тебранса мижгон уйқудан, —

матлаъи билан бошланиб:

Ёз қалам Чустий билан бир катта достон уйқудан, —

мисрасида тугайдиган бетакрор ғазалнинг шу сатрлари ўша заҳотиёқ менинг хотирамга ўрнашиб қолган эдики, ҳозир уларни ҳеч қандай матнга солиштирмай ёддан келтирмоқдаман.

Чустий домла арузнинг бутун сеҳру латофатини ўқувчи қалбига етказиб, уни ҳайратга соладиган арузхон ҳам эди. Бу шоирга Тангри таола ато қилган бақувват, ёқимли овоз ёнига аруз мусиқасининг энг нозик жиҳатларини ҳис эта билиш ва тингловчиларга етказа олиш маҳорати, ҳар бир байтда алоҳида урғу берилиши лозим бўлган сўзни таъкидлаб кўрсата билиш истеъдоди қўшилиб, у ўқиётган аруз намуналари қалбларга сим-сим сингиб кириб, мустаҳкам ўрнашиб қолишига олиб келар эди. Ўша биринчи концерт кечаси ҳам худди шундай бўлган эди, менимча, арузсевар тингловчиларнинг аксар қисми шундай унутилмас таассуротлар билан, лазиз туйғулар билан Чустий домла ўқиган ғазаллар мисраларини ёдда сақлаб қолган ҳолда масканларига бориб, анчагача кўзларига уйқу келмаган бўлса керак.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда мен Ўзбекистон радио қўмитасининг мусиқий эшиттиришлар таҳририятида ишлашимга тўғри келган эди. У вақтларда телевидение ҳали йўқ, овоз ёзиш аппаратлари такомиллашмаган бўлиб, хонанда ва созандалар ҳаво мавжларига ҳар сафар бевосита ўзлари чиқар эдилар. Ҳар куни бериладиган тўртбеш концертда ижро этиладиган хонишларининг қарийб ярми Чустий ғазаллари билан айтилар эди, десам лоф бўлмайди.

Бироқ «Давлати тез бақойи нест» деган форс мақолидаги каби Чустий домланинг арузий қўшиқчиликдаги тенгсиз шуҳрати тез орада заволга учради. Одатда ижодкорнинг истеъдоди қанчалар ёрқин бўлса, унинг атрофида шунча кўп ва кучли мухолифлар пайдо бўлади. Олтмишинчи йилларда қўшиқчилик санъатимизнинг энг ёрқин юлдузларидан бирига телевидение, радио эшиклари тақа-тақ ёпиб қўйилиб, саҳнада қуйлаш ман этилганида шоир Акмал Пўлат бу ҳолатдан таассуфга тушиб: «Бедананинг энг сайроқисини мушук ер экан», деган гапни айтган эди.

1946 йилда ҳам шундай бўлган, арузнависликда ўз ҳамкасблари орасида бир бош юқори турган Чустий домла Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқарилган, унинг асарларини ижро этиш, матбуотда чоп этиш ман қилинган эди. Бунинг устига ВКП(б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари хусусидаги машъум қарори муносабати билан республикамизда ғоясизликка қарши шиори остида бадиий ижод кишилари фаолияти ков-ков қилиниб, уларга йўқ ердан айблар суньий равишда ёпиштирила бошлаган эди. Бу дард устига чипқон бўлиб, Чустий домланинг аҳволини яна ҳам фожиалироқ қилганлиги маълум.

Бироқ худди шу фожиали кунларда рўй берган нурли бир ҳодиса сира ёдимдан чиқмайди: радиода Жўрахон Султонов ҳамда Маъмуржон Узоқов иштирокида концерт дастури тузилиб, раҳбарлар тасдиғидан ўтказилди. Концерт чоғида эса мен студияда сухандон Қодир Махсумов билан ёнма-ён ўтирган эдим. Дастурда эълон қилинган бир ашула тугаши билан бу икки хонанда биздан бемаслаҳат янги ашула улаб юборишди. «Кўргунча хайр энди» радифли янги ашуланинг мақтаъи айтилгач, у Чустий домла қаламига мансублиги бизга ҳам, ўн мингларча, юз мингларча радио тингловчиларга ҳам дарҳол маълум бўлди. Мана, ҳалигача шоирнинг китобларига кирмай қолган ўша ашуланинг байтлари:

Давоми иккинчи бетда.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Республика Ёзувчилар уюшмасида ғазалнавис шоир Набихон Чустий таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан шоир ижодига бағишланган хотира тадбири ўтказилди.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, адабиётшунос олимлар Абдуқодир Ҳайитметов, Шариф Юсупов, Маҳмуджон Нурматов, таржимон Низом Комилов, шоирнинг қизи Нозима Хўжаева ҳамда шоирнинг қариндошлари ва бошқалар иштирок этди.

Тадбирни уюшма раиси Абдулла Орипов кириш сўзи билан очди. Сўзга чиққанлар мавлоно Чустий деярли 60 йиллик ижодий фаолиятини Ватан, халқ ва маънавият тараққиётига бағишлагани, халқнинг маънавий бойлигини оширишни ўзининг инсоний ва шоирлик бурчи деб билгани, бу билан Республика санъати, адабиёти ва маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшганини таъкидлаб, ушбу тадбир аждодлар меросига кўрсатилаётган катта ҳурмат белгиси эканини эътироф этдилар.

Шундан сўнг йиғилганлар машҳур санъаткоримиз Саодат Қобулова, Ҳожиакбар Ҳамидов, Эркин Рўзматов ва ака-ука Хотамовлар ижросидаги қўшиқларни тинглаб, Қундуз Миркаримова рақсларини томоша қилиб дам олишди. Қўшиқлар асосан Чустий ғазаллари билан айтилди.

Тадбир сўнгида шоирнинг қизи Нозима Хўжаева отаси ҳақидаги хотиралардан сўзлаб берди. Ғазалнавис шоир Чустийнинг ижодига бағишланган хотира тадбири 30-июн куни шоир таваллуд топган Чуст туманида давом этади.

САҲНАДА МИЛЛИЙ ОПЕРА

Мустақилликка эришгач, маданий ҳаётимизда, жумладан, театр соҳасида муайян ютуқларга эришилди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тарихий мусиқали операларимиз жуда кам. Миллий мусиқий опералар борасида ҳам мақтаниб бўлмайди.

Икром Акбаровнинг «Сўғд элининг қоплони» номли янги операси бу борада катта воқеа бўлди. Операда милоддан аввалги IV аср, яъни Искандар Зулқарнайн босқини, Спантамоннинг ватанпарварлиги акс эттирилади.

Опера икки парда, олти кўринишдан иборат. Ўзбек театри саҳнасида бу опера дастлаб 1977 йили томошабинларга тақдим этилган. Операнинг ҳозирги варианти мусиқаси ва замонавий талқини билан ажралиб туради. Либретто муаллифи эстрада санъатимиз юлдузи, марҳум Ботир Зокиров.

24 июн куни Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида шу муносабат билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда театр раҳбари Бахтиёр Ёқубов, операнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон санъат арбоби Анвар Эргашев, саҳналаштирувчи режиссёр Ҳайдарали Қосимов ва опера муаллифи Икром Акбаров иштирок этдилар. Анжуманда операнинг ютуғи, унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гапирилди. Опера мусиқасининг ўзига хослиги, миллий руҳи билан диққатга сазовор. Муаллиф асарига миллий руҳни сингдиришда мусиқий меросимиздан фойдаланишга алоҳида эътибор берган.

Ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Раҳматжон Латипов, Сайфиддин Рўзиқулов, Қўрқмас Муҳитдинов, Ҳотам Йўлдошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Пўлат Мустафоев, Халил Абдуқодиров, Олга Александрова, Мавлуда Ўринбоева ва Шукур Ғофуров, Маҳмуд Рўзиев каби артистлар ижро этишади.

26 июн куни Икром Акбаровнинг «Сўғд элининг қоплони» операсининг премераси бўлади.

Фарҳод МАҲКАМОВ

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

23 июн куни Ёзувчилар уюшмасида истеъдодли шоира Хосият Рустамованинг "Нажот" ва "Ридо" шеърий китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, уюшма раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, ижодкорлардан Усмон Азим, Шукрулло, Ҳалима Худойбердиева, Зебо Мирзаева, Салим Ашур, Рустам Мусурмон ва адабиётшунослар Қозоқбой Йўлдошев, Баҳодир Каримов, Абдулла Улуғов, Сайди Умиров, Адҳамбек Олимбеков, Ёзувчилар уюшмаси Наманган бўлими масъул котиби Зиёвуддин Мансуров ва бошқалар иштирок этди.

— Мен Хосият билан замондош эканимдан бахтлиман, — деди Абдулла Орипов тадбирни очиқ деб эълон қиларкан. Уюшма раиси шоирани китоблари билан, йиғилганларни эса яна бир катта ижодкор билан табриклади. Бу икки шеърий тўплам тақдимоти шунчаки байрам бўлиб қолмай, маънавий-бадиий ҳаётимизда катта воқеа эканини таъкидлади. Шоиранинг ютуқ ҳамда камчиликларини санаб, унинг зиммасига залворли ва шарафли масъулият юкланганини, ўз устида тинимсиз ишлашдан тўхтамаслиги лозимлигини айтди.

Тадбир сўнгида "Нажот" ва "Ридо" шеърий тўпламларига киритилган шеърларни муаллифнинг ўзидан эшитиш шеърият ихлосмандларига ўзгача завқ берди.

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА

БИЛДИРИШ

Бугун — 25 июн соат 15⁰⁰ да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзонинг сайланма китоби тақдимоти бўлади. Тақдимотга шоирлар, ноширлар, адабиётшунос олимлар, журналистлар ва барча адабиёт мухлислари таклиф этилади.

Манзил: Мустақиллик майдони, Ж.Неру кўчаси, 1-уй.

"КУЯРМАН ОТАШИ ҲИЖРОН АРО..."

Боши биринчи бетда.

Кетарман, марҳаматсиз дилрабо,
қўргунча хайр энди,
Дили тошу ситамгар, бевафо,
қўргунча хайр энди.
Кезарман бу юришда боғу дарё,
тоғу саҳрони,
Муяссар бўлмагунча муддао,
қўргунча хайр энди.
Кўриб ҳолимни Мажнун
даштида бечора оҳулар,
Менга раҳми келиб дерлар: дуо,
қўргунча хайр энди.
Эрур расми муҳаббат айрилиққа
тоқат этмаклик,
Нечунким, руҳимиз бўлмас жудо,
қўргунча хайр энди.
Куярман оташи ҳижрон аро,
лекин умидим бор,
Агар кўрсам-да, Чустий, минг жафо,
қўргунча хайр энди.

Жўрахон Султонов томонидан куй басталанган бу сеҳрли ғазал сўзларини мулоҳаза қилишга ўша пайтда,тўғрисини айтсам, умуман имкон йўқ эди. Негаки, студияда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, айниқса, мусиқий эшиттиришларнинг сиёсий жиҳати учун масъул бўлган камина, ҳанг-манг бўлиб қолган эдик. Зотан, юқори ташкилотлар томонидан расмий равишда тақиқланган Чустий ғазалини республика радиоси орқали ўзбошимчалик билан бу тарзда тарғиб этиш ниҳоятда кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши, бир неча масъул ходим қаттиқ жазоланиши турган гап эди. Чиндан ҳам концерт тугамасданоқ, уни ўз иш жойида тинглаб ўтирган Республика Давлат радио қўмитаси раисининг биринчи муовини Ҳибзиддин Муҳаммадхонов қути учган ҳолда студияга кириб келди ва нима гаплигини мендан имо билан сўради. Мен нима жавоб қилишни билолмай турган эдим, шу орада концерт тугади. Ҳибзиддин ака асабий бир вазиятда Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Қодир Махсумов ва мени ўз хонасига таклиф этди. Биз радио ходимлари Жўрахон аканинг ўта хатарли хатти-ҳаракати жуда хунук оқибатларга олиб келишини айтиб, у кишидан изоҳ талаб қилдик. Жўрахон ака эса ниҳоятда бепарволик билан: «Ҳеч нарса бўлмайди. Кечагина бу ашулани Усмон акага айтиб бериб, у кишидан оқ фотиҳа олганман", деди. Шундан кейин бир оз тасалли топган бўлсак ҳам, бир неча кун давомида Радио қўмитасида ички безовталик ҳукм сурди. Ашулани шахсан Усмон Юсуповнинг ўзи маъқуллагани сабаб бўлди шекилли, юқоридан ҳеч қандай дўқ-пўписа бўлмади. Аксинча, Чустий домла шеърлари билан айтиладиган ашулалар аста-секин яна ҳаво мавжлари орқали республикамизга, ундан узоқ-узоқларга тараладиган бўлди.

Чустий домла ниҳоятда иродаси мустаҳкам, бирор ишга аҳд қилса, албатта уни адо этмагунча қўймайдиган феълли киши эди. 1941-45 йиллар уруши даврида у киши анча муддат Муқимий номли театр директори лавозимида хизматда бўлганди. Бир куни театр санъаткорлари билан биргаликда бориб, ҳукумат томонидан уюштирилган бир зиёфатда қатнашиб, керагидан ортиқча бир-икки пиёлани бўшатган шоир зиёфатдан театрга қайтиб келгач ҳиссиётларини жиловлай олмай, ўзига анчадан буён ғанимлик қилиб, турли уйдирмалар тўқиб юрган театрдаги бир раҳбар ходимнинг юзига тарсаки тортиб юборибди. Пасткаш ғаним фурсатни бой бермай, кечасиёқ врач ҳузурига бориб, калтаклангани хусусида ҳужжат олиб, эрта тонгдаёқ юзидаги билинар-билинмас қизиллик устига каттакон шўрпахта ёпиштириб, бошини баҳайбат рўмол билан ўраб, республика раҳбарлари олдига бир қулоч ёзма шикоят билан чиқибди.Шикоятчи таниқли одам бўлганлигидан Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги Бош вазири Абдужаббор Абдураҳмонов деган ўта салобатли, гапга чечан раҳбар Чустий домлага шу қадар таъсир қиладиган танбеҳ беribдики, домла бундан буён ичишни ҳам, чекишни ҳам шу лаҳзадан бошлаб ташлаяжагини Бош вазир хонасида ваъда берибди. А.Абдураҳмонов: «Ваъдангизга қандай ишонай, кафтингизда папирос турибди-ку», дея дашном берибди.Чустий домла қараса, чиндан ҳам Бош вазир қабулхонасига чекиб турган папиросини тутиб турган ҳолда кирган, бироқ ҳамсуҳбатининг дашномидан шу қадар ҳаяжонланган эканки, тутаб турган папирос кафтини куйдириб, қоқ суякка бориб тақалганини ҳам сезмай қолган экан. Ўша кундан бошлаб (бу воқеа 1943 йил бўлиб ўтган) то вафотига қадар, роса 40 йил мобайнида Чустий домла оғзига бир қултум ичкилик ёки битта сигарета олганини инсон боласи кўрган эмас.

Чустий домла фақат амалиётчи шоиргина бўлиб қолмай, атрофлича билимга (кўп ҳолларда назарий билимга) ҳам эга ижодкор эди. 1980 ёки 1981 йилларда домланинг Каттаҳовуз мавзеидаги янги уйида суҳбатлашиб ўтирардик. Суҳбат устига наманганлик бир кекса, зукко хонанда ҳам келиб қолди. У мумтоз шоирлар ғазаллари билан айтиладиган мақомлар ҳақида гап бошлаб, ҳазрат Навоийнинг бир байтини араб алифбосида икки хил ўқиш мумкинлигини, шулардан қайси бири тўғрилигини аниқлаб беришни домладан илтимос қилди. Байтни биринчи ҳолда:

Навоий дилфигор ўлди
маломат ўқлари теккач,
Таланган итта ўхшайдур
тамоми жисми-аъзоси.

Иккинчи ҳолда эса:

Навоий дилфигор ўлди
маломат ўқлари теккач,
Тилинган этта ўхшайдур
тамоми жисми-аъзоси.

тарзида ўқиш мумкин эди. Хонанда кириб келгач, унга мени «ТошДУ домласи, мумтоз шеърият билан шуғулланади», деб таништиргани учунми, ҳар қалай, унинг саволига жавоб беришни менга таклиф этди. Мен бир оз ўйлаб олиб: «Биринчи ҳолатда байт, менимча, тўғри. Чунки ҳазрат Навоий маломат ўқларидан қаттиқ жароҳатланганлик хусусида сўз юритмоқдалар. Мабода маломат тиғлари жароҳати борасида сўз борганида иккинчи ҳолат тўғри бўларди. Зотан, ўқлардан етган жароҳатлар бир неча ит ёлғиз итни талаганидаги сингари жисмда юмалоқ-юмалоқ ўймалар ҳолида, тиғлардан етган жароҳатлар эса тилим-тилим қилинган жисм-аъзо шаклида бўлишини мантиқ тақозо этади», дея фикр билдирдим. Чустий домла фикримга қўшилган ҳолда, яна бир мулоҳаза билдирдики, мен у кишининг шеърият назариясидан ҳам пухта хабардорлигига тан бердим. У киши хонандага қараб: «Илми шеърда образ деган тушунча бор. Агар шоир таъсирчан образ ярата олса, у ифодаламоқчи бўлган ҳолат ёки манзара ўқувчи ёки тингловчи тасаввурида лоп этиб гавдаланади.Шу важдан ҳам маломат ўқларидан дилфигор бўлган ошиқ жисм-аъзосини тилинган эт ҳолатида эмас, балки таланган ит ҳолатида тасаввур этиш ўқувчи қалбини кўпроқ ларзага соладики, ҳазрат Навоий худди шундай бўлишини хоҳлаган кўринадилар», деди.

Хонанда ғоят мамнун бўлиб,бундан буён «таланган итга ўхшайдур» иборасига алоҳида урғу бериб куйлаяжагини айтди.

Мавлоно Чустийда мен мумтоз шеъриятнинг йирик тадқиқотчиларида кам учрайдиган яна бир хусусиятни ҳам кўрганман.Маълумки, араб алифбосида битилган эски қўлёзмаларни тўғри ўқиш ва тушуниш ғоят мушкул кечади. Шахсан ўзим аспирантурада ўқиш чоғимда форс тилидан «аъло» баҳога номзодлик минимуми топширган бўлсам ҳам, ўша қўлёзмаларни ўрганиш чоғида тез-тез ёрдамга муҳтож бўлиб тураман. Шундай пайтларда, баъзи мураккаб матнларни тадқиқ этганимда энг йирик матншунос олимларга кўп марта ёрдам сўраб мурожаат қилганман.Бироқ улар орасида Чустий домла қадар тез ва осон ўқийдиган, энг тўғри изоҳ берадиган мутахассисни кўрмаганман. Араб ёзувида битилган хоҳ форсий, хоҳ туркий мураккаб матнни худди кирилл ёзувидаги газетани ўқигандек шариллатиб ўқиб кетиш учун Чустий домлага икки-уч дақиқа фурсат кифоя қилар эди. Шундан сўнг матнда учрайдиган хоҳ арабча, хоҳ форсча оғир сўзларни асло қийналмай, араб ёзуви имлосига кўра тушириб қолдирилган ёки зеру забари қўйилмаган ҳарфларни оппа-осон тиклаб мантиқий мукаммал ва энг тўғри жумлаларни вужудга келтирар эди.

Мавлоно Чустий:

Тож эрур бошимда тожим,
ўзга тож даркор эмас,
Чунки ҳурмат-ла бошим
осмонга етган Чустиман, —

деб ёзганида тамомила ҳақли эди. Бошига шеър тожини кийган бу улкан истеъдод соҳиби халқнинг энг ардоқли ижодкорларидан бири сифатида ҳаётлик чоғидаёқ ўзига нурли ҳайкал қўйиб кетди.

Камина оз эмас, кўп эмас, қирқ йил мобайнида мавлоно Чустий билан ҳамнафас, ҳамсуҳбат бўлганимдан бахтлиман.

Шариф ЮСУПОВ,
филология фанлари доктори, профессор

ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ

Ўзбек миллий мусиқа санъати оғир жудоликка учради. Оташнафас ҳофиз, эл ардоғидаги санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаров 74 ёшида вафот этди.

Асли Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида таваллуд топган Қ.Искандаровнинг санъатга бўлган иштиёқи уни Озод Ражабов ҳузурига етаклаб келди. Устозидан хонандалик ва созандалик илмидан таълим олди. Машҳур ҳофиз Ҳожихон Болтаевдан эса сувора йўллари ва Хоразм мақом ашулаларини ўрганди.

У 1963 йили устоз Комилжон Отаниёзов раҳбарлигидаги "Лазги" ашула ва рақс ансамблига яккахон хонанда сифатида ишга қабул қилинди. Қувондиқ Искандаров бу ерда машҳур санъаткор К.Отаниёзовдан санъат сирларини ўрганиб, эл-юрт орасида танилди. Бетакрор овози, фақат ўзигагина хос ижро услуби, айни вақтда камтарлиги, бағрикенглиги билан мухлислар муҳаббатига сазовор бўлди.

У узоқ йиллар давомида М.Қориёқубов номидаги Ўзбекистон давлат филармониясида фаолият кўрсатди. Хушовоз ҳофизнинг машаққатли меҳнатлари муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" ва "Ўзбекистон халқ ҳофизи" фахрий унвонлари соҳиби бўлди.

Қ.Искандаров 2001 йилдан то умрининг охирига қадар Ўзбекистон давлат консерваториясида доцент сифатида бўлғуси хонанда-талабаларга сабоқ берди.

Таниқли санъаткор, ҳофиз ва бастакор, устоз Қувондиқ Искандаровнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ОНА ЮРТ КУЙЧИСИ

МУСАВВИР ЗОКИР ИНОҒОМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИ

Рангтасвир устаси Зокир Иноғомовнинг ижодий фаолияти бошланишидан то умрининг охирига қадар ўзбек халқининг ҳаёти ва заҳматли меҳнатига бағишланди. Унинг аксарият қаҳрамонлари қишлоқ кишилари, соҳибкорлар, чўпонлар, оддий ишчилар бўлиб, рассом уларнинг ҳаётини яхши билар, ўй-фикрлари, орзуларидан хабардор эди.

Ўзи иккинчи жаҳон урушида қатнашгани учун ҳам Зокир ака тинчликнинг қадрини, ватан осмони мусафолигини кишилар бахти эканини яхши тушунарди. У фақат одамлар характерини яхши билиб қолмасдан, она табиат гўзалликларини, она ер саховатини чуқур ҳис этарди. Унинг қишлоқ манзаралари акс этган асарлари турли даврлардаги Ўзбекистоннинг турлича кўринишларини кўз ўнгимизда жонлантиради. Рассом асарларининг нусхаларини ХХ аср Ўзбекистон тасвирий санъатининг умумий тараққиётини ёритувчи санъатшуносликка оид барча нашрларда учратиш мумкин.

Реалист рассом сифатида З.Иноғомов ўз асарларида ҳаёт ҳақиқатини, характерлар ҳақиқатини акс эттиришга ҳаракат қиларди ва бунинг уддасидан чиқарди. Унинг жуда кўп суратлари Санъат музейида сақланади. Бироқ рассомнинг қишлоқдаги уйида ундан-да кўп асарлари бор. Тошкентдаги санъат марказида айнан шундай картиналари намойиш этилди. З.Иноғомов ҳаёт бўлганида 85 ёшни қаршилаган бўларди. Унинг Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига қўшган ҳиссаси муносиб тақдирланиб, "Ўзбекистон халқ рассоми" ва "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвонлари берилган.

Жанрли ва манзарали суратларнинг моҳир устаси Зокир Иноғомов асарлари асосида музей яратишга арзийдиган ижодкорлардан бири. Унинг асарларини асрабавайлашимиз, ХХ аср ўзбек маданиятининг муносиб намуналари сифатида авлодларга етказишимиз лозим.

Рафаил ТОҚТОШ,
академик

ЭЪЗОЗДАГИ АЁЛЛАР

ИККИ ОФИЗ ДИЛ СЎЗИ

Радиода салкам ярим асрдан буён меҳнат қилиб келаётган икки журналист аёл — Зулфия Обидова ва Ҳакима Илҳомова ҳақида дил сўзларини айтадиган қутлуғ кунлар насиб қилди. Бу икки таниқли радиожурналист умрларининг етмишинчи баҳорини кутиб олдилар.

Зулфия Обидова номини жамоамиз ҳам, радиотингловчилар ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки бу киши муаллифлик қилиб келаётган ранг-баранг эшиттиришларда самимият, маъно теранлиги бор, қалбларни сел қилувчи қўшиқлар ва сирли жозиба бор. Зулфия опа қаламига мансуб "Она алласи", "Онага таъзим", "Танбур-дуторим", "Қўшиқ соҳиблари — радио меҳмони", "Барҳаёт сиймолар", "Мусиқа — маънавият сарчашмаси", "Ўзбек мусиқасининг зарварақлари", "Ҳавасим келади сенга, болажон", "Қўшиққа дил боғласанг агар", "Биз соғинган қўшиқлар", "Бу қўшиқлар тарихини биласизми?", "Композиторлар ижодхонасида" каби эшиттиришлар тингловчиларга жуда манзур бўляпти.

Кўринишидан жуссаси кичик, аммо қалби дарё бу аёлнинг дилкашлиги, меҳрибонлиги ҳамкасбларни ва шогирдларига ғамхўрлиги, самимийлиги, тиниб-тинчимаслигига кўпчиликнинг ҳаваси келади.

З.Обидова тайёрлаб радиофонотекага тақдим этган ноёб мусиқий эшиттиришларнинг саноғига етиб бўлмайди. У кишининг ўзбек мусиқаси намояндалари — Мулла Тўйчи Ҳофиз, Муҳиддин қори Ёқубов, Домла Ҳалим Ибодов, Лутфихоним Саримсоқова, Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар, Нозира Аҳмедова, Ҳалима Носирова, Карим Зокиров, Мавлуда Аъзамова, ака-ука Шожалиловлар ҳақидаги эшиттиришлари кўп йиллар радиофонотекамиз хазинасини бойитиб, авлодларга қимматли маълумотлар берган.

Кўп йиллардан бери мусиқий эшиттиришлар учун келаётган мактубларнинг аксариятида "Зулфия Обидовага тегсин!" деган сўзларни ўқиш мумкин. Шундай мактублардан бирини адабиётшунос олим Аҳмад Алиевдан олганлар. Мактубда шундай жумлалар бор: "Муҳтарам Зулфия Обидова, сизнинг ўзбек халқ мусиқаси, ашуласи, санъати ҳақида жон куйдириб, ғоят самимият билан тайёрлаган эшиттиришларингизни иложи бўлган кезларда жон қулоғим билан эшитаман...

1999 йил 31 январ куни янграган Сулаймон Юдаков ҳақидаги эшиттиришингиз ҳам худди шундай қалбимга сингди. Негаки, мен Сулаймон Юдаковни шахсан биларди.м. Кўп суҳбатда, учрашувларида бўлганман. Бизнинг уйимизда уруш йилларида Манас Левиев, Давид Муллақандов, Мутал Бурҳоновлар меҳмон бўлишган ва умрларининг охиригача ўша учрашув баҳонаси билан мулоқотда бўлганмиз. Аммо гап сизнинг доимий кўрсатувингиз "Барҳаёт сиймолар" ҳақида. Бу бой ва бебаҳо хазинани қанча тарғиб қилинса, шунча яхши. Айниқса, ёшларда мумтоз куйлар, қўшиқлар, умуман, миллий санъатга бўлган ихлосни шакллантириш зарур. Бундай хайрли ишингизда муваффақиятлар ёр бўлсин".

Ҳикоямизнинг эндиги қаҳрамони радиожурналист Ҳакима Илҳомова ўз иш фаолиятини дастлаб радионинг сиёсий эшиттиришлар тахририятидан бошлаганлар. Тажрибали радиожурналистлар Абдураҳим Алимов, Бурҳон Зиёев, Амир Азимжонов, Абдулла Лутфуллаев Ҳакима опага устозлик қилдилар.

"Юрган — дарё" деганларидек Ҳакима опа ишга келган йиллариданоқ қайноқ ҳаёт қўйнига кириб боришга интилдилар. У киши репортёр олиб, одамлар ҳузурига бордилар, уларнинг жонли сўзларини магнит тасмасига тушириб келиб, радиотингловчиларга тақдим этдилар. Тез орада радиоочеркларг, қизиқарли репортажлари, жонли суҳбатлари билан тилга тушдилар. Кейин Ҳакима Илҳомовага "Дугоналар" радиожурналини ташкил қилиш топширилди. Ҳафтанинг ҳар шанба куни ҳаво мавжларига тараладиган бу журнални диёримизнинг турли бурчакларида яшовчи аёллар сабрсизлик билан кутадиган бўлдилар.

Радиожурналнинг алоҳида бир саҳифаси хонандаларга, санъаткорларга бағишланади. Ҳаётимизни куй-қўшиқсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини чуқур ҳис қилган Ҳакима опа 70-йилларнинг бошларидан фаолиятларини мусиқий тахририятда давом эттириб келмоқдалар.

Ўзбекистон радиоси фонотекасидаги барча мусиқий ёзувлар картотекаси Ҳакима опа ўтирадиган хонага жойлаштирилган. Киноданми, телевидениеданми, театрданми, бирор муҳарририятданми ижодкорлар қўшиқ ҳақида сўраб келар экан, Ҳакима опа уларга хушмуомалалик, очиқ чеҳра билан ёрдамлашадилар.

Ҳакима опанинг Ўзбекистон санъат усталари Комилжон Отаниёзов, Раззоқ Ҳамроев, Эътиборхон Жалилова, Турсунхон Жаўфарова, Оминахон Фаёзовалар иштирокида ўтказган мусиқий учрашувлари; халқ ҳофизлари Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқов, Одилжон Юсупов, Орифхон Ҳотамовларни яқиндан билган дўстлари, ҳамкасблари билан қизиқарли суҳбатлари ва турли радио ҳикоялари мухлислар эътиборига сазовор бўлган.

Мен Ҳакима опадаги яна бир хусусиятни таъкидлагим келади. У киши радио ишининг нозиклигини юракдан ҳис қиладилар. Шунинг учун ўз эшиттиришларини неча гиғирикдан ўтказишга ҳаракат қиладилар, дўсти, ҳамкасби, тенгдоши Зулфия опанинг ҳам кўригидан ўтказадилар. Ҳакима опанинг синчковлиги, чуқур масъулият билан тайёрлаб эфирга узатаётган эшиттиришлари шунинг учун ҳам кўпчиликка маъқул бўляпти.

Ҳакима опа улуғ ёшга кирган қутлуғ кунларида ортларига назар ташлаб, радио ишига қандай ҳисса қўшдилару, яна қандай эзгу ишларни бажара олишлари ҳақида ўйлайдилар. Шу кунларда тайёрлаётган "Мусиқа жавонидан" номли эшиттиришларини мунтазам давом эттирмоқчилар.

Барча шогирдларию ҳамкасблари Зулфия Обидова ва Ҳакима Илҳомованинг ниятлари амалга ошишини, соғ-саломат бўлишларини тилайдилар.

Замира МИРОЛИМОВА

ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

"Театр" журналининг навбатдаги (март-апрел) сони нашрдан чиқди. Унинг дастлабки саҳифаларида Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи ва Эшқобил Шукурнинг "Уйғониш ҳамиша гўзалдир" сарлавҳали мақоласи берилган.

"Ўзбектеатр" бирлашмаси лойиҳалари асосида замонавий мавзуда саҳналаштирилган спектаклларнинг 1-республика кўрик-фестивали ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлишни истаганлар Матлуба Темур қизининг бирлашма бош директори О.Ризаев билан суҳбатидан кўп нарсаларни билиб оладилар. Театршунос олимлар М.Қодиров ва С.Турсунбоев мақолалари ҳам бевосита кўрик-фестивал ва унда намойиш этилган спектакллар билан боғлиқ.

Журнални варақлар экансиз, вилоят театрларида қўйилаётган спектакллар ва ижодкорларга кенг ўрин ажратилганининг гувоҳи бўласиз. Д.Раҳматуллаева, Э.Усмонов, Т.Орифжонов, Гулчеҳра Бону, О.Худойбердиева, А.Абдуллаев каби муаллифларнинг ранг-баранг мавзудаги мақолалари фикримизнинг далилидир.

Санъатшунослик фанлари доктори С.Қодировнинг "Замонавий мавзу ва жанр муаммоси", профессор М.Исроиловнинг "Олим Хўжаев — сўз устаси", Ўзбекистон санъат арбоби Жўра Маҳмуднинг "Болаликнинг беғубор қулгуси деб яшайман" каби мақола ва ёдномалари мухлисларни бефарқ қолдирмайди. Гўзал Холиқулованинг саҳна нутқи, у қандай бўлиши кераклиги ва бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборга молик. Муқаддас Аҳмаджонованинг мақоласи ёш томошабинлар ва ёшлар театларининг бугунги муаммолари ҳақида баҳс юритади.

Журналдан ўрин олган турли мавзулардаги бошқа материаллар ҳам ўз ўқувчисини топади, деган умиддамиз.

КИМДАН ЎРГАНЯПСИЗ, БОЛАЛАР?

Дейлик, қўлингизга газета тушиб қолди. Ундан нима қидирасиз? Албатта, латифа ёки "мишмиш". Радио эшитмоқчи бўлсангиз-чи? Ҳеч иккиланмай, қўшиқ ва кўнгилочар ўйинларни излайсиз. Телевизордан эса... сўзсиз, сериал.

Тонгимиз қўшиқ билан отади, кунимиз қўшиқ билан ботади. Киноларимиз қаҳрамонларини тақдир энди қай кўйларга солишини кутиб, эртанги кунга интиқамиз. Улар ҳаётимизга мазмун юклайди. Бунинг нимаси ёмон?

"Фақат севги-муҳаббатдан иборат сериалдардаги беҳаё кўринишлар болаларимиз онгига салбий таъсир кўрсатяпти", дея бонг ураётганлар кўп. "Даракчи"да чоп этилган "Ана сериал бошланди" номли мақолада уларга жавобан: "... Бола тарбиясини, энг аввало, оиладан бошлаш лозим. Яхши тарбияланган бола ҳеч қачон енгил филмларни кўриб, салбий хулоса чиқармайди..." деб ёзади муаллиф Рустам Ҳайдаров. Ва у жуда тўғри ўйлайди. Аммо...

Ана шу аммолар одамни янада чуқурроқ ўйлашга мажбур қилади: Нега биз меҳнаткашликда ҳатто японлардан ҳам ўтиб кетамиз-у, бадавлатликда уларга тенг келолмаймиз? Кўполроқ бўлса ҳам, очиғини айтаман, чунки биз оёқ-қўлларимизни бошқа халқлардан кўра кўпроқ ишлатамиз-у, бошларимизни эса, ҳатто баъзи қолоқ саналмиш халқлар даражасида ҳам ишлатмаймиз. Негаки, кинолар қаҳрамонларию, қўшиқчиларнинг ҳаётидаги янгиликлардан бошқа жиддийроқ мавзулар тўғрисида бош қотирмаймиз. Фарзандларимиз, миллатимиз камоли тўғрисида ақл юритишга, ташвиш чекишга вақтимиз етмайди бизнинг.

* * *

Болалар билишга қизиқадилар. Билганларига амал қиладилар. Билағонликларини кўрсатиб қўйгиси келади уларнинг. Шу боис, қайси бир болали уйга бормай, мени саволларга тутишади, саволларга тутишимни талаб қилишади. Саволларига тўғри жавоб берганим учун улар мени энг тоза ҳайрат ва юксак ишончлари билан сийлайдилар, мен эса уларни совғачалар билан.

— Сиз ҳамма актрисаларни танийсизми? — деб сўраб қолди бир танишимнинг қизчаси менинг газетада ишлашимни билгач.

— Кўпчилигини танийман, — дедим. У менга бир ҳинд актрисасининг суратини кўрсатди ва унинг кимлигини топишни сўради. Тополмадим. Қизча ўзининг билағонлигидан мамнун бўлиб, югуриб кетди.

— У ҳинд актрисаларининг расмларини йиғиб юради. Тушлик қилар, деб берган пулларимни емасдан, расм олишга сарфлайди. Катта бўлса, актриса бўлармиш, — деди онаси бепарвогина кулиб. Қизалоқ ҳеч қанча вақт ўтмай, қўлида уч-тўртта фотоалбом билан қайтиб келди. Албомларни томоша қилдик. Улар ҳақиқатан ҳам бир-биридан гўзал, бироқ бир-биридан беҳаё расмларга тўла эди. Эндигина учинчи синфни битирган қизча йиғиб улгурган шунча расмнинг ҳар бирини номма-ном санаб берди. Ҳатто уларнинг қайси филмларда рол ўйнаганларини ҳам биларкан у.

Хотирасига қойил қолдим.

— Уларнинг нимаси ёқади сенга? — сўрадим ундан.

— Ўзлариям, кўйлаклариям жуда чиройли. Менам катта бўлсам, уларникига ўхшаган кўйлаклар тиктириб, уларга ўхшаб оламан.

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

— Ўзбек актрисаларига ҳам ҳавас қиласанми?

— Унчалик эмас.

— Мана буниси ҳам ёқмайдими сенга? — Кумуш (Гулчеҳра Жалилова)ни кўрсатдим. Унинг ҳаваси келди, лекин кимлигини айтиб беролмади. Шундан кейин унга Навоий, Бобур, Темур боболаримиздан саволлар бериб кўрдим. Мендан ўз билим доирасига хос саволлар беришимни сўради. Афсуски, қизча киноюлдузлардан бошқа ҳеч бир мавзуда билағонлик қилолмади. Ўзини оқлаш учун жавоби шундай бўлди:

— Актриса бўлиш учун буларни билишнинг нима кераги бор?

* * *

— Ахир, бугуннинг ўзида қанча нарса олиб бердим, бунисини кейинги safар оберақолай, — зорланди она боласига китоб-дафтар растаси ёнида. Бола эса хархаша қилишда давом этди. Қизиқиб яқинроқ бордим. Қўлида ушлаб олган нарсаси дафтар экан. Онасидан ранжигандек бўлдим. Ширинлик эмас, ўйинчоқ эмас, дафтар олиб беришни сўраётган боласи бўлса-ю, ношукурлик қилса.

— Болангиз шеър ёзади шекилли-а? — ҳазиломуз гап ташлади бир одам.

— Қани эди шеър ёзса, бу қурмағур. Оғзидан чиқмасдан олиб бермасмидим шуни. Бунақа дафтарлардан қанчаси уйда муқовасиз ётипти. Дафтар эмас, муқовадаги расм керак унга.

Муқовага Мексика сериалларидан биридаги қаҳрамонларнинг сурати туширилган эди. Болакай шуни онасига олдириб, кейин тинчиди.

* * *

— Катта бўлсам, Вандамга ўхшаб олишадиган бўламан, — дейди дарсхонасининг деворларини Вандам, Жеки Чан, Шварценеггер, Жэнифер Лопес, ди Каприо каби актёрларнинг расмлари билан тўлдирган бола.

— Ким билан олишасан? — сўрадим ундан.

— Ким билан бўларди, жаҳлимни чиқарганлар билан-да.

— Тунов куни бир ўртоғи жаҳлини чиқарган экан, — гапга аралашди отаси — шундай адабини берибдики, ота-онаси уйга келиб, роса бошимни қотирди. — Унинг гап оҳангидан фахр туйғусини англадим. Афсус...

* * *

Хаёлларга чўмаман. Кўз олдимдан хорижий филмлардаги бутга сиғинаётганлар, иконаларга сажда қилаётганлар ўтади. Уларга ҳам чидаса бўлар. Бугунги ёшлар қаршисидаги иконалар-чи?.. Улар кимлар? Нега болаларимиз Худони танимай қўйдилар? Нима учун ҳаёсизлик элчилари бўлмиш чет эллик ярим яланғоч аёллар суратларини тўплайдилар-у, заҳар ютиб ўлим тўшагида ётганда ҳам, қайнотаси Юсуфбек ҳожидан ҳаё қилиб, ўрнидан қалққан Кумушбиби тақдиридан бехабарлар?

Ҳозир ҳаммамизнинг ўйловимиз тахминан бир хил: фарзандларимиз учун қайғурамиз, уларни бировдан кам қилмасликка тиришамиз. Бу йўлда ҳар қанақанги имкониятлардан фойдаланамиз. Қанча маблағ керак бўлса, аямаймиз, барча таниш-билишларни ишга соламиз. Мақсад — болаларимиз бировлардан кам яшамасин.

Бировдан кам қилмаслик эса боланинг қўлига онг ва дунёқарашини ўстирадиган манбаларни тутқазиш билан эмас, оғзидан чиққанини тайёр қилиш билан белгиланяпти. Ўйлаб кўрмаймизки, нафс ўрганган нарсасида давом этади.

Ҳар бир боланинг ўз қизиқиши ва муҳаббати бўлиши табиий. Мана шу қизиқиш ва муҳаббат туфайли болада эътиқод туйғуси шаклланади. Эътиқодли инсондан норасо ишларни кутиб бўлмайди. Эътиқодсизлар эса турли иллатларни юқтириш эҳтимоли билан хавфли. Эътиқоди нотўғри шаклланганлар-чи? Улар эътиқодсизлардан ҳам кўра хавфлироқ эмасми?

Таъкидланганидек, болалар билишга қизиқадилар. Нимани билишнинг эса уларга фарқи йўқ. Уларнинг қизиқишлари, муҳаббати эса муҳит ва тарбия асосида шаклланади. Шундай экан, нима учун биз болаларимизнинг фаҳш ва зўравонлик қаҳрамонларига интилишларини кўра туриб бепарвомиз? Кимларгадир кўр-кўрона эргашаётганини била туриб эътиборсизмиз. Ёки кино кўришни таъқиқлаб қўямиз-да, ўзимиз томоша қиламиз. Сабаби, тушунтирилмай таъқиқланган нарса ҳамиша ҳам қизиқарли туюлади. Болалар, йўлини топиб, ўша киноларни барибир кўрадилар, эшитадилар. Ота-оналари эса китоб-дафтар растаси ёнида гувоҳ бўлганим ўша воқеа каби ўз фарзандларини йўлдан қайтаролмай, зорланиб қолаверадилар. Қани аввалги, ота-она ўтирган уйнинг томига чиқмайдиган болалар? Болалари олдида ана шундай хурмат ва иззатни топа олган ота-оналар-чи?

Келажак болаларникидир, дея кўп гапирямиз-у, ҳақиқатан ҳам шундай эканини унутиб қўймаяпмизми, азиз ота-оналар?

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА

ШАҲСИЙ НАМУНА

Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти жамоаси талабаларнинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиб, уларнинг келажак фаолиятлари унумли бўлиши борасида амалий ишлар билан қўмаклашиб келмоқда.

"Чолғу жамоаларига раҳбарлик" кафедраси доценти Тоҳир Йўлдошев ва унинг талабалари концерти шундай дарс сабоқларидан бири бўлди. Институт анжуманлар саройида ўтган концертга профессор-ўқитувчилар, талабалар ва меҳмонлар йиғилдилар. 1-бўлимда Т.Йўлдошев миллий мумтоз мусиқаларимиз ва хорижий композиторлар асарларини моҳирона ижро этди. Иккинчи бўлимда унинг шогирдлари ижро маҳоратларини намойиш қилдилар.

Концертга меҳмон сифатида ташриф буюрган Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 535-боғча тарбияланувчиларининг "Қалдирғоч" ва Қибрай туманидаги 46-умумтаълим мактабининг "Ниҳол" ансамбларининг чиқишлари концертга алоҳида руҳ бағишлади.

Т.Йўлдошев раҳбарлигидаги "Чолғу жамоалари", "Ашула ва рақс жамоалари ташкилотчиси" факультетлари талабаларидан тузилган рубобчилар ансамбли "Наврўзи ажам", Р.Лагидзенинг "Тбилиси ҳақида қўшиқ" куйларини моҳирона талқин этганликларини таъкидлаш лозим.

Асарлар ижросининг юқори савияда бўлишида концертмейстерлар Э.Нигматянова ва Г.Алиматоваларнинг хизматлари катта бўлди.

Умуман, бундай концертлар талабаларнинг назарий билимларини амалий ижро билан боғлашда, саҳна маданияти, бадиий ижро, асарлар мазмунини тўғри талқин этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бахтиёр АЗИМОВ,
"Чолғу жамоаларига раҳбарлик" кафедраси мудири

Суратда: *Т.Йўлдошев куй ижро этмоқда.*

ТАФАККУР ЁЛҚИНИ

Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов кўп ва хўб ёзяпти: мақолалар, таржималар, суҳбатлар, маърузалар... Мустақилликни теран англагани унга куч-қувват берди. Яхшилар рағбати, "Ҳорманг, толманг!" деб туриши руҳий ва ақлий имкониятларини тўлароқ ишга солишга ундади. Одамларнинг савияси ҳар хил, фикрлаш даражаси турлича: Озод ака осонгина йўлга ўтиб олди, публицистик мақолалар доирасида қолиб кетди, деб ўйлаётганлар ҳам бор. Бундай қарашларда мантиқ, асос бордай. Лекин О.Шарафиддинов асарларини ўқиган, улар моҳиятини англаган одам зинҳор бундай хулосага келмайди.



"Ижодни англаш бахти" китобидан олимнинг катта тадқиқот, мақолалари қатори бир қанча тақризлари ҳам ўрин олган. Уларнинг иккитаси "Гамлет" ва "Мирзо Улуғбек"нинг саҳнадаги янгича талқини ҳақида. Шу тақризларнинг ўзидаёқ олимнинг Шекспир ва М.Шайхзода асарини қай даражада теран англаши, уларнинг барча саҳнавий талқинларидан бохабарлиги яққол кўринади.

Олим учун халқ, миллат шаъни ҳамма нарсадан устун. Бинобарин, халқ ва унинг ўтмиши, келажаги, миллий қаҳрамонлари ҳақида ёзганда ҳеч қачон юксак масъулиятни унутмаслик зарур. Халқ тарихи, халқ босиб ўтган йўл қат-қат маъноли китоб мисоли. Ижодкор ҳамиша сўзнинг юкини, жумланинг залворини ҳис этмоғи керак.

"Дилхирож" филмига, "Қайдасан, Марико" асарига, "Сурайё юлдузидан шуъулалар" тўпламига, "Туташ оламлар" романига ёзилган тақризларда бевосита таҳлилдан ташқари, ижодкорга муносабат масаласи акс этгани, айниқса, эътиборга лойиқ. Олим ким ҳақда, қайси асар тўғрисида ёзмасин, ёндашув концепциясини аниқ белгилаб олади. Мана, масалан, "Чўлпонни англаш" — ўзбек танқидчилиги босиб ўтган мураккаб йўл-изланишлар, адашишлар, билиб-билмай қилинган хатолар ҳақидаги асар. Олимнинг фикрлари фақат Чўлпонгагина эмас, ўша давр адабий муҳитига, ижодкорларига баҳо беришда ҳам мезон бўла олади.

Китобга киритилган етти суҳбат-мақолада ҳозирги адабиётга етти ракурсдан қаралган, мураккаб жараён панорамаси яратилган. Уларда фикр-мушоҳадалар залворли, теран. Қизиғи шундаки, уларни таҳлил қилар экансиз, мунаққид тафаккур доирасининг кенглигига, фалсафий мушоҳада қувватининг теранлигига тан берасиз. Унинг мулоҳазаларига беихтиёр қўшиласиз. "Бир нутқ тарихи", "Бир асар муҳокамаси", "Нутқ ёхуд адиб ҳаётининг юлдузли онлари" мақолалари эса кишини ўйга толдиради: уларда нима муҳим, ким асосий қаҳрамон? "Бир нутқ тарихи"да ўт-олов бўлиб сўзлаётган Абдулла Қаҳҳор, ер билан яксон бўлаётган Мельников, ҳайратга тушган тингловчилар бор. "Нутқ ёхуд..."нинг таркиби ҳам шундай. Лекин бу асарларнинг асосий қаҳрамони дарёдай оқиб келаётган фикр, аланга бўлиб ёнаётган тафаккур, мушоҳададан таралаётган ёғду. Бошқача айтганда, мазкур асарлар маъно-моҳиятини эркин мушоҳада, ёлқини тафаккур белгилайди.

Танқидчи ижодида тақризнинг турли шаклларини учратиш мумкин. Катта ёшдаги китобхонлар унинг "Тобутдан товуш", "Синчалак", "Ларза", "Чинор", "Диёнат", "Қора кўзлар", "Дунёнинг ишлари", "Дамир Усмоновнинг икки баҳори", "Ҳаққуш қичқириғи", "Генерал Равшанов", "Ёлқин" сингари ўнлаб асарларга ёзган бетакрор тақризларини яхши эслайдилар. Барча жанрлардаги асарларида умумлашма хулоса чиқаришга интилиш, мушоҳадакорлик хусусияти кўзга яққол ташланади. Э.Воҳидовнинг "Тирик сайёралар" китобига ёзилган тақриздан олинган қуйидаги иқтибос ҳам буни тасдиқлайди: "Олам ҳақидаги тасаввурларнинг бойиши, ҳаёт диалектикасини чуқур англаш Эркин шеърларида инсон талқинига том маънода замонавий руҳ бахш этади. У қуруқ мадҳиябозликдан, чучмал сухандонликдан, сохта гуманистик пафосдан қочади ва чинакам образли тафаккур асосида инсон ҳаётининг турфа қирраларини идрок этади. Шу туфайли Эркин шеърларида маънодор умумлашмалар, теран фалсафийликка интилиш кучайган".

Бадиий адабиётда, адабий танқидда эркин мушоҳадани асос қилиб олган эссе жанри бор. У XVI асрда Францияда пайдо бўлган. Асосчиси адиб-файласуф Мишель де Монтендир (1532-1593). Унинг "Тажрибалар" (1580-88) асари мағрибу машрикда машҳур. У ким ва нима ҳақда ёзмасин, мушоҳадага кенг йўл очар, тафаккур алангасини авж олдирарди. Шарқда, хусусан, мусулмон мумтоз адабиётида эссе, аниқроғи, бадианинг илдизи яна ҳам чуқурроқ. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Замахшарийларнинг, Навоий ҳамда Бобурларнинг фалсафий-адабий бадиалари бунга мисол. Тижорат, давлат бошқаруви сир-синоатлари, деҳқончилик, чорвачилик, ҳаким-табиблик, олимлик касбининг фалсафий илдизлари бадиаларда очилган. Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб"и бадианинг мукаммал намунасидир. Бор нарса йўқ бўлмайди. Аммо ҳар бир давр, замон, тузум бор нарсадан ўз эҳтиёжи даражасида фойдаланади. Шўро адабиёти, журналистикаси, танқидчилигида бадиа жанрида анчагина асарлар яратилди. Асқад Мухторнинг "Ёш дўстларимга", П.Қодировнинг "Ўйлар", О.Ёқубовнинг "Фарзанд бурчи" асарлари, Ғайбулла ас-Салом, Иброҳим Ғафуров китоблари фикримиз исботидир. Лекин улар "тафаккур тажаллиси ёхуд мушоҳада алангаси" деган талабга жавоб бера олмасди. Сабаби, фирқавий мафкура, шўро сиёсати эркинликка, жумладан, фикр ҳурлигига кишан солди. Шўро кишиси белгиланган қуюшқон доирасидагина фикрлаши мумкин эди.

Мустақиллик юртга, фуқароларга берилган улуғ неъматдир. Олим бу неъмат, иноъомдан, тафаккур, мушоҳада эркинлигидан унумли фойдаланаётганлардан. Буни унинг асарларида, хусусан, у кенг фойдаланаётган эссе-бадиа жанрида аниқ кўриш мумкин. "Ижодни англаш бахти" китоби, эътибор берилса, бадиалар мажмуаси. Энг муҳими, уларда муаллиф қарашлари: симпатия, антипатия, рўйхушлик, нохушлик, кескинлик, ҳавас, инкор мавжуд. О.Шарафиддинов асарларидаги "мен" кўп нарсалар ҳақида ўйлашга ундайди. Ҳамма мунаққид, публицист ҳам ўз асарлари моҳиятида эмин-эркин намоён бўлиш, кўринавериш ҳуқуқига эгами? "Мен"ни бемалол тасвирлаш, унинг ҳолатларини кўрсатиш ҳаммага ҳам мумкинми? Менимча, бунинг учун махсус "рухсатнома" бўлиши шарт. "Рухсатнома" — оҳанраболи мушоҳада, алангали тафаккур. "Бир нутқ тарихи"да — мушоҳада шундай ифодаланганки, китобхон ҳолат, кайфият, бир нуқтага михланган нигоҳларни аниқ-тиниқ кўради. "Уч чўққининг бири", "Гамлет"нинг қайтиши" тақризларида мумтозлик васиқасини аллақачон олган асарлар мутлоқ янгича, оҳорли талқин этилган.

"Ижодни англаш бахти" китоби олти бўлимдан иборат. Менимча, ҳар бир бўлимдан келиб чиқадиган хулосалар, умумлашмалар, мулоҳазалар ўз туси, ранги, даражаси, қиёфасига эга. "Истиқлол нурида эврилаётган адабиёт", "Истиқлол ўйлари" туркумларида ёмби фикрлар, халқ, тарих, адабиёт ҳақидаги фалсафий хулосалар берилган бўлса, "Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги этюдлар", "Саид Аҳмад ҳақидаги этюдлар", "Устозлар ва ҳамкасблар" бўлимларида шўро даврида яшаган одамлар, уларнинг кўргиликлари бутун мураккабликлари, зиддиятлари билан тасвирланади. Муаллифнинг инсон ақли, тафаккури барча тўсиқларни енга олади, деган ғояси мазкур уч бўлимни ўзаро уюштиради. "Қадрдон чехралар", "Жажжи портретлар, ихчам тақризлар" бўлимларида инсоний меҳр, адабиётга муҳаббат, самимият балқиб турибди.

Китоб чуқур ўйлаб теран мантиқ асосида тартиблаштирилган, мақолалар таркибига заррача ҳам эътироз билдириш имкони йўқ. Агар "Сизни соғиндим, Зулфия опа", "Мувашшаҳ" "Қадрдон чехралар" бўлимига ўтказилса, "Мусулмон депутатлар" ўрнига бошқа мақола киритилса, тартиб яна ҳам изчиллашарди. Муҳаррирнинг шошиб ишлаганлиги боис айрим мақолаларнинг битилган саналари кўрсатилмаган. Арзимасдай туюлган бу беэътиборлик 487-, 504-саҳифалардаги фактик хатоларга сабаб бўлган. Китобдаги айрим сўз, ибора, мақолаларнинг изоҳи етишмаяпти. Катта иш жиддий талабларни ҳам келтириб чиқарар экан. Келгусида О.Шарафиддинов асарларининг академик нашрларини тайёрлаш зарур. Академик нашр ҳар бир асар, ундаги номлар, саналар изоҳини бериши билан қимматли илмий манбага айланади. Истак тариқасида яна бир мулоҳазани айтмоқчиман: О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов сингари устозларнинг бадиа, эсдалик жанрида ижод қилишлари яхши. Лекин бу устозлар бир пайтлар назарий-илмий тадқиқотлари билан ҳам эътибор қозонгандилар. Глобаллашув даври ўзбек адабиётшунослигининг назарий муаммоларини теран, кенг миқёсда ёритишда устозлар ҳануз етакчилик қилишлари мумкин. Айниқса, О.Шарафиддинов қиёсий, типологик, тарихий-функционал талқинларда беқиёс тажрибага, назарий қувватга эга.

Ижодкор ҳамиша ўзлигини топишга, уни бекаму кўст ифодалашга ҳаракат қилади. Ўзликни топиш, ижодий бетакрорликка қараб: "Мана шу менман", дейиш мушкул иш. "Ёзувчи, олим ижодининг бош китоби" деган гап бор. Ижодкор табиати шундайки, у бош китобни ҳамиша олдинда, истиқболда, ижодий уфқда деб билади.

— Кўп ёздим. Китоблар чиқардим. "Замон, қалб, поэзия" — биринчи, қадрдон китобим. "Ижодни англаш бахти"дан кўнглим тўлди. Унда ўзимни кўрдим, — деди қаҳрамонимиз ушбу китобни ёр-дўстларига тақдим қилиш тантанасида.

Абдуғафур РАСУЛОВ

МАЪРИФАТНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Бобур ҳақидаги асарлар ҳам унинг бой ижодий мероси каби халқимиз қалбидан жой олган. Юзлаб бадиий асарлар, ҳайкалтарошлик, рассомлик соҳаларида яратилган дурдоналар бунинг далили.

Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома» романи бу асарлар орасида бир қатор фазилатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Ёзувчи истаганидек, шаклан бўлсада, «Бобурнома»ни эслатиб турувчи бу асар тақозоси билан ёт элларда умргузаронлик қилган бобурийларнинг бемисл маданий мероси, фаолият миқёслари, умр сабоқлари ҳақида бой маълумот беради. Лекин асарнинг қиммати бу билангина белгиланмайди. Роман сир-синоатлар, муаммоларга тўла Бобур ҳаётининг бадиий тасвири орқали ўқувчи руҳиятига, сезимларига кучли таъсир кўрсатади. Уни улуғ боболар кечмишидан сабоқ олишга ундайди.

Хайриддин Султон, ўзи қайд қилганидек, «Оллоҳнинг улуғ ва сирли» бу бандаси билан ўн тўрт ёшида танишган, «мардлик ва муруввatда, заковат ва матонатда тенгсиз» шахсиятига ўшандаёқ мафтун бўлиб қолган. Бу мафтунлик ёзувчини Мирзо Бобурнинг сўнмас ижоди, сирли ҳаёт йўлига бағишланган қатор бадиий, илмий-оммабоп асарлар яратишга бошлади. Бу мавзудаги узоқ йиллик изланишлар қаймоғи сифатида юзага келган «Бобурийнома» шавкатли сулола ва унинг асосчиси ҳақида жуда кенг кўламли маълумотларни жамлайди. Маърифий романда Бобур ва бобурийзодаларнинг оддий инсоний туйғулари, бунёдкорлик, ижодкорлик, саркардалик фаолиятлари, турфа тақдирлари ҳақида; асрлар бағридан бўй чўзиб келаётган жуда улкан маданий мерослари, аждодлар тийнатидаги инсонийлик, мардлик, қадр туйғуларини қалбига сингдириб фаолият кўрсатаётган бобурийларнинг кенжа авлоди ҳақида ҳикоя қилинади. Аммо муаллифнинг сулола асосчиси Бобур Мирзога меҳри айрича. Бобур Мирзонинг Оллоҳ карамига сазовор хосиятли шахс эканини «Бобурнома» ва бошқа манбаларга суяниб ишончли далиллаб берган ёзувчи экспедиция давомида ҳар бир хайрли тафсилот, яхшилик нишоналарини Бобур Мирзога боғлайди. Масалан, Эрон ҳудудида йўлбошловчилик қилган кишининг исми Оғойи Бобур эди. «Бу хушфеъл, серзавқ йўлбошловчининг исми улуғ бобомиз номига монандлиги тақдирнинг хайрли бир аломати бўлиб туюлар эди», дейди ёзувчи. Хайриддин Султон бутун экспедиция давомида, қоларверса, ўсмирлик чоғидан буён қўлидан қўймай келаётган асар — ўлмас «Бобурнома»нинг уммондек теран мазмуни, соф, содда, мардона тароватининг асири эди. Ёзувчи худди шунга ўхшаш асар яратишни орзу қилди. Бу адабий мақсад амалга ошди: худди «Бобурнома» сингари серқирра асар дунёга келди. Шунинг учун «Бобурийнома»нинг тугунини «Бобурнома» ва бобурийлар тўғрисида ёзилган асарлардан қидириш керак бўлади. Асарнинг композицион тузилиши анча мураккаб.

Уни — 1) йўлдаги таассуротлар;
2) илмий маълумотлар;
3) бадиий лавҳалар;
4) бобурийлар ҳақидаги асарлар, эсдаликларга мурожаат;
5) тарихий фактлар;
6) Бобурнинг ҳозирги авлодлари билан танишув каби сюжет йўналишлари ташкил этади. Ҳар бир лавҳанинг ўз тугуни, ечими, хулосаси мавжуд.

Хайриддин Султон аввал шарҳ, кейин далил келтириш йўлидан боради. Кун давомидаги қайдлар ҳам ўзига хос кириш билан бошланади ва унда баён этилган фикрлар илмий изоҳлар, тарихий маълумотлар билан бойитилади. Ёзувчининг маҳорати биргина парча ёхуд бир кунлик қайдларда ҳам бадиий топилмаларни, ҳам илмий фактларни, ўрни билан пейзаж ёки лирик чекинишларни сиғдира олишда, бир неча сюжет чизиғини параллел ривожлантиришда кўринади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун, масалан, Лоҳурдаги бир кунлик қайдларни ўқиш кифоя қилади.

«Бобурийнома» мумтоз «Бобурнома» сингари жуда катта миқёсни қамраб олади. Асар муаллиф томонидан ҳеч қандай боб, бўлимларга ажратилган эмас. Воқеалар кундалик тарзида баён қилинади. Лекин китобхон асар мутолаасидан сўнг унинг мазмун-моҳиятига кўра икки қисмдан ташкил топганини идрок этади. Биринчи қисм бобурийлар изини излаш (сафар эсдаликлари, бадиий лавҳалар, сулола ҳақидаги қайдлар), иккинчи қисм эса, бобурийларнинг ҳозирги кундаги авлодлари билан боғлиқ. Ҳар иккала қисм, қоларверса, бутун асарни Бобур Мирзо сиймоси бирлаштириб туради.

Хайриддин Султон воқеаларни баён қилиш жараёнида Мирзо Бобур суврати ва сийратини тобора ёрқин чизгилар билан мукаммаллаштириб бораверади. «Бобурийнома»га сингдирилган «Тавба», «Нуқта» каби ҳикоялар, «Саодат соҳили» қиссаси буюк аждодимизнинг маънавий қиёфаси, ўзига хос ахлоқ мезонлари, соҳир фазилатларини очиб беради. Шу жиҳатдан олганда, «Бобурийнома»ни бадиий-илмий асар сифатида қабул қилиш мумкин.

Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома» маърифий романини ўқиб, қуйидагича хулосага келиш мумкин:

— «Бобурийнома»нинг юзага келишида муаллифнинг кўп йиллик ижодий изланишлари ва Бобур номидаги халқаро экспедиция сафарида олган таассуротлари асос вазифасини ўтайди. Асарнинг асосий манбаи сифатида ҳам ана шу тафсилотлар ва ёзувчининг турли йилларда чоп этилган ҳикоя, бадиа, қиссаларини олиш мумкин.

— «Бобурийнома» бевосита «Бобурнома»нинг шаклий ўхшашидир. Асарни Мирзо Бобурнинг қалб дафтарисиз тасаввур этиш қийин. Аммо Хайриддин Султон ўз романини гўзал бадиий лавҳалар, жуда қимматли тарихий ва илмий маълумотлар билан бойитганки, бу «Бобурийнома»нинг муваффақиятини таъминлайди. Шунинг ўзиёқ асарнинг тугал, мустақил ва янги ижод намунаси эканлиги далилидир.

— «Бобурийнома»ни, ўзгача композицион тузилиши, услуби, ифода тарзидан келиб чиқиб, янгича, ноанъанавий асарлар жумласига киритиш мумкин. Асар қисмларининг жойлашиш тартиби эркин танланган ва қолиплаш усулидан кенг фойдаланилган.

— Асарнинг яна бир муҳим фазилати ўтмиш ва бугунги кун воқеа-ҳодисаларининг параллел қўйилгани, теран мушоҳадалар ва фалсафий умумлашмаларнинг илмий далиллар билан уйғунлашганидир. Шунингдек, асар ўзида жуда кўп манзиллар, юзлаб жўмард инсонлар таърифини мужассамлаштиргани билан ҳам қимматли. «Бобурийнома» дунёнинг турли бурчакларида жойлашган обидалар тарихи, қардош элларнинг бугунги ҳаётидан ҳам дарак беради.

Хайриддин Султон ўз маърифий романида публицист сифатида ҳам кўринади. «Бобурийнома»да гўзал бадиий лавҳалар ўрнини гоҳо оддий хабарлар эгаллаб қолади. Романдаги 1993 йил 7 декабр ва 1993 йил 5 июл — 30 август воқеалари талқини ушбу фикрни қувватлайди. Уларда янги ташкил этилган экспедициянинг Ҳиндистонга сафар қилиш учун тараддудлари ва ёзувчининг шу давр ичида қилган ишлари акс этганлиги кузатилади.

«Бобурийнома» — ўзбек бобуршунослигининг катта ютуғи. Ундан жой олган маълумотлар адабиёт, тарих, фалсафа, этнография, сиёсатшунослик каби ижтимоий соҳалар учун бирдек қимматли. Асарда ёзувчи индивидуаллигининг намоён бўлиши, қисмларнинг ўзаро боғланиш йўллари, тасвирда мувофиқлик ва меъёр, бадиий унсурлардан самарали фойдаланиш, ёзувчининг характер яратиш маҳорати каби масалалар жиддий тадқиқот объектларига айлана олади.

Ўйлаймизки, «Бобурийнома» янги авлод китобхонларини мумтоз «Бобурнома»га боғловчи кўприк, улуғ аждодимиз орзу-армонларини англашга кўмаклашувчи восита бўлиб қолади. «Бобурийнома» ёш авлод қалбида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда, ўтмиш сабоқларидан зарурий хулосалар чиқаришда ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

Гулноза ХОЛБОЕВА

МАЖЗУБНИ БИЛАСИЗМИ?

Ёхуд мажзубийлик нима...

Мумтоз адабиётимиз тарихида тасаввуф маслаги билан боғлиқ ижодкорлар кўп. Бироқ ҳам шоир, ҳам тариқат шайхи сифатида машҳур бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Абдулазиз Мажзуб Намангоний мероси шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга.

Мажзуб ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири бўлиб, таваллуд санаси маълум эмас. Таҳминан XVIII аср иккинчи ярмида туғилган. Баъзи маълумотларга кўра, у туғилган жой Қўқон, айримларида Қарши дея кўрсатилади. Вафот санасида ҳам бироз ихтилоф мавжуд: Қори Қундузийнинг "Таворихи манзума"сида ҳижрий 1256 (милодий 1849) йил дейилган бўлса, Пўлатжон Қайюмийнинг "Тазкирайи Қайюмий" асарида ҳижрий 1273 (милодий 1857) йил деб таъкидланади.

Мажзубнинг ҳаёти ҳақида ҳам маълумот жуда кам. У Бухоро мадрасаларида таҳсил кўради ва шу ерда Халифа Ҳусайн Янгиқўрғонийдан тасаввуф таълимини олади. Мазкур шайх ҳонақоҳидаги хизмат адосидан сўнг, тариқат (баъзи маълумотларга кўра икки — қодирия ва нақшбандия, айримларига кўра ҳатто тўрт тариқат) пешволигига иршад олади. Фарғонага қайтгач, Қўқонда яшайди. Сўнгра Наманган шаҳрига бориб, муқим бўлиб қолади. Муридларга тасаввуф сирларидан таълим бериш билан бирга халқни ҳақиқат ва эзгулик сари тарғиб қилиб яшайди. У Наманганда вафот этган.

Шайх ва шоир Мажзубдан салмоқли адабий мерос қолган бўлиб, асарлари асосан диний-тасаввуфий руҳда. Асарлари ўз даврида ва кейинчалик ҳам кўплаб қўлёзма манбалардан ўрин олган. XX асрга яқин, Туркистонда матбаачилик йўли билан китоб нашр этиш урф бўлгач, Мажзуб асарлари ҳам алоҳида тўпламлар ҳолида бир неча бор босилган ва кенг тарқалган. Мисол учун, "Мажзуб Намангоний" номи остида шоир шеърларидан танланган намуналар Тошкентдаги Яковлев матбаасида 1904 йили босилган.

Унинг ўзбек тилида алоҳида, форс тилида алоҳида "Девон"и бор бўлиб, уларда ғазал, мухаммас, қасида, соқийнома жанрлари етакчилик қилади. Бу шеърлар асосан Ҳақни таниш ва уни улуғлаш, инсон қалбини поклаш, юксак маънавий камолот мавзуларига бағишланган.

Бундан ташқари, Мажзубнинг форс тилида "Тазкираи Мажзуб Намангоний" ёки "Тазкират ул-авлиё" номли каттагина асари ҳам бор. Адабиётимиз тарихида Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асаридан сўнг тасаввуф намояндалари ҳақида Рушдий тазкирасигина маълум. Мажзубнинг тазкираси Аттор, Жомий, Навоий, Рушдий ва бошқа муаллифларнинг шу тахлит асарларидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу тазкира XVII — XIX асрларда яшаган тасаввуф шайхлари, дарвешларнинг турфа ҳоллари ва айрим тасаввуфий мақомлар, сўфиёна истилоҳлар мазмунига бағишланган нодир асардир. Унда, масалан, Алишер Навоий тазкираси каби исмлар кўрсатилиб, алоҳида шайх хусусида изчил сўз юритилмайди. Аммо бирор тасаввуфий масала юзасидан навбати билан, мазмунли ҳикояти мисоллар ёрдамида фикр билдирилади, айрим ўринларда (кўпроқ ҳикоятлар охирида) форсча ёки ўзбекча байтлар келтирилади. Кўп ҳолларда "эшон", "азиз", "дарвеш" деб номлари кўрсатилмай, ўша зотнинг ҳолати ёки у билан боғлиқ бирор воқеа тўғрисида сўзланади. Мисол учун, Махдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий, Мусохон Даҳбедий, Шариф Хожа Тошкандий, Мирмақсуд Хожа эшон, Офоқ Хожа эшон, Ҳазрат Имлои Бухорий, Домла Исо Охунд, Халифа Ҳусайн, Мавлавий Намангоний, Мавлавий Жабалий, Халифа Ашур, Мулло Лутфуллоҳ Чустий, Халифа Абдуқаюм ва бошқа яна кўплаб замонасининг валийлари ҳақида ҳикоялар қилинади. Сўфи Оллоёр, Машраб, Мирзо Жони Жонон, Мирзо Абдулқодир Бедил каби машҳур шахслар ҳаётидан келтирилган воқеалар асар мундарижасини бойитган. Шунингдек, тазкирада айрим шоирлар, асар мазмун-моҳиятига кўра, фақат авлиё сифатида талқин қилинади, шеърлари хусусида сўзланмайди. Мисол учун, Боборахим Машраб тазкирада "Девона Машраб" дея келади ва баъзи ўринларда у ҳақдаги воқеалар ҳикоя қилинади. Табаррукан, Машраб ҳақидаги бир ўрин (таржимаси)ни келтирсак:

"Бир куни девона Машраб бир нав дарахтга суяндилар. Дарахт энгашди, ҳамида бўлди. Енларида ўлтурган киши айдики: "Эй, девона, дарахт энгашди". Машраб айдилар-ки: "Энгашса улуғ бўлур."... Ўшал ниҳол дарахти байд, яъни тол дарахти эрди. Чунон улуғ бўлдики, унинг олдида бир катта тол бор эрди, ўшал бирлан баробар бўлиб, (ундан ҳам) ўтди. Ҳозир ҳам қурумаган, қўқариб турубди. Мавлавий (Мавлавий Намангоний назарда тутилмокда — **О.Ж.**) айтадилар: — "Эгилса катта

ТАДҚИҚОТ, АХБОРОТ

бўлади, дедилар. Машраб орифи биллоҳ эрдилар. Мазмуни ҳадиси пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламни шу ибора ила адо қилдилар..."

Бу каби гўзал ва чуқур мушоҳадага сабаб бўлувчи ўринлари бисёр мазкур асарни муаллиф умрининг охирги йилларида ёзган кўринади. Чунки тазкирада келтирилган айрим шахслар XIX аср биринчи ярмида яшаганлар. Умуман олганда, ушбу асар нафақат тасаввуф нуқтаи назаридан, балки адабий-тарихий жиҳатдан ҳам алоҳида тадқиқотларга мавзу бўла олади.

Мажзуб тасаввуфда зикри жаҳрия (ошкора зикр) йўлининг ўзига хос услубини татбиқ этади. Унга эргашувчилар XIX асрда Туркистонда кўпчиликни ташкил этган.

Тасаввуфдаги жазба ҳолатида мақом ва даража ҳосил қилувчилар "мажзублар" дейилади. Мажзубийлик "жазба" (интилиш) сўзидан ясалган бўлиб, руҳий таважжуҳ қилмоқликдир. Ҳол илмида туғма салоҳияти бор солик (тариқат йўлчиси) мажзубий бўла олади. Шунинг учун айрим манбаларда уларни "мажзуби солик" деб ҳам аталган. Абдурраҳмон Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс" асарида ҳам айрим мажзублар ҳақида маълумот келтирилганлиги фикримиз далилидир.

Мажзубийлар фавқулодда қароматлар ҳам содир қила олганлар ва халқ орасида алоҳида ҳурматга сазовор бўлганлар. Аммо кўпгина тасаввуф шайхлари мажзуб соликлар-нинг тариқат пири қўлида тарбияланишини шарт деганларки, бунда ҳар қандай жазба ҳам тарбия ва бирор етакчи раҳнамога муҳтож эканлиги назарда тутилган.

Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда мажзубийлик ўрта асрларданоқ мавжуд бўлган. Лекин унинг тартибли ва кенг тарқалган шакли эса айнан XIX асрга тўғри келади ва у Абдулазиз Мажзуб Намангоний номи билан узвий боғлиқ. Унинг "Девон"идаги кўпгина шеърлар махсус мақом ёрдамида сўфийларнинг зикр мажлисларида навҳа қилинган. Мана шу зикр мажлисларини "мажзубхонлик" ва унга эргашувчиларни "мажзубийлар" дея аталган. Шоирнинг ирфоний мавзудаги ғазал, мураббаъ, мусаддас ва, айниқса, соқийномалари ўзига хос услубга эга. Шу боис унинг "Соқийнома"си сўфийлар суҳбатларида махсус мақом билан ўқилган. Пўлатжон Қайюмий ҳам бу соқийноманинг 181 саҳифалик қўлёзмаси ҳақида ўз тазкирасида маълумот беради.

Мазкур соқийнома мутолааси, ўз навбатида, зикр вазифасини ҳам ўтаган. Айтиш керакки, бу ижрода ҳеч қандай мусиқа асбоблари иштирок этмаган. Махсус оҳанг билан қўйловчи хонақоҳ ҳофизлари асосан Мажзуб шеърларини, баъзи ҳолларда Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳувайдо ва кейинги давраларда Ҳазиний асарларини ҳам айтишган.

Мажзубхонлик қуйидаги шаклда бўлган: пир (ёки халифа) шоирнинг маълум ғазал ёки соқийномасини зикр йўлидаги махсус мақом билан ижро этган. Ҳалқа қилиб ўтирган соликлар шеърнинг маълум жойига етганда ёки айримларининг охирида керакли зикр тасбеҳларини келтирганлар. Аксар ҳолларда ҳалқа иштирокчиларининг кўп қисми муҳаббат ва илҳомнинг кучидан жазба ҳосил қилиб, бехуд бўлганлар. Ўзини йўқотмаган, ҳушёр солик Қуръон оятларидан тиловат қилган ва охирида пир дуо қилиб мажлисни тугатган. Мажзубхонликларда ўқилган шеърларга мисол тариқасида Мажзубнинг ***"Нисоринг бўлай, соқийи дилрабо"*** дея бошланувчи юқорида таъкидланган катта ҳажмли соқийномасини, ёки:

Машғул этиб ўзинга, айла мени қаландар
Ул Нақшбанд валийга айла ғуломи чокар —

дея боғланувчи ғазалини келтириш мумкин.

Мажзубийлик XIX асрнинг иккинчи ярмидан Туркистоннинг кўп шаҳарларида, хусусан, Фарғона водийсида кенг тарқалган. Мажзубийликнинг бир кўриниши ҳозирги кунларда ҳам водийда сақланиб қолган.

Абдулазиз Мажзуб тасаввуф арбоби ва шоир сифатида ўша давр маънавий ҳаётида катта мавқе тутган. Машҳур шоир ва шайх Зиёвуддинхон Ҳазиний Хўқандийнинг пири Муҳаммад Ҳакимхон халифа айнан Мажзуб Намангонийнинг муриди бўлганлиги ва узоқ йиллар унинг даргоҳида яшаганлиги ҳам ушбу фикрни қувватлайди. Фурқат, Ҳазиний ва бошқа ижодкорлар асарларида Мажзубнинг улуғлиги ва "мажзубхонлик"лар файзига ишоралар мавжуд.

Ушбу далиллар ҳам кўрсатиб турибдики, Мажзубнинг ҳаёти ва ижодий меросини атрофлича ўрганиш маънавий меросимизнинг ҳозирги ва мукаммаллигини тўлдиришга хизмат қилади.

Отабек ЖЎРАБОЕВ,
филология фанлари номзоди

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

ҲАССОС КЎНГИЛ МАВЖЛАРИ

Мирпўлат Мирзо салкам қирқ йилдан буён адабиётни ўзига қисмат билиб келаётган заҳматкаш шоирлардан. Ўтган йиллар мобайнида унинг ўнга яқин тўпламлари шеърият мухлислари қўлига етиб борди. Яқинда эса "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида таниқли шоирнинг "Сайланма"си босилиб чиқди. "Сайланма" беш бўлимдан иборат бўлиб, шоирнинг ҳозиргача яратган ижодий маҳсулининг энг сара намуналарини ўз ичига олган. Биринчи бўлимда Ватаннинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи билан боғлиқ, хусусан, истиқлолни улуғловчи шеърлар жамланган. Иккинчи бўлим жамият ва табиат, ҳаёт ва инсон, кундалик воқеа-ҳодисаларга бағишланган шеърлардан иборат. Учинчи бўлимни муҳаббат, унинг қувончу изтироблари, ҳижрон азобию висол сурури тараннум этилган дардли ва ёниқ битиклар ташкил этади. Тўртинчи бўлим ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий мавзудаги шеърлар шодасидан тузилган. Бешинчи бўлимга эса шоир А.Пушкин, Ж.Кардуччи, С.Прюдом, О.Жупанчич, Т.Элиот, О.Мандельштам, Б.Пастернак, Р.Ҳамзатов, М.Карим, И.Бродский, Е.Евтушенко, Ў.Сулаймонов каби сўз санъаткорлари ижодидан қилган таржима намуналарни танлаб киритган.

Мирпўлат Мирзо серқирра истеъдод соҳиби: у халқ дарди, орзу-армонлари, бахту қувончини қуюнчак ва фидойи бир фарзанд ўлароқ ёниқ илҳом билан қаламга олиб келаётган, Ватан, истиқлол, халқ, миллат, меҳр-оқибат, севги-садоқат, дўстлик, она, иймон-эътиқод мавзуларидаги гўзал шеърлари билан эл меҳрини қозонган; жаҳон сўз санъати намояндалари, турли халқлар адабиётлари забардаст вакилларининг кўплаб дурдона асарлари таржимаси орқали Ватан адабиёти хазинасини бойитаётган моҳир мутаржим; нашриётлардаги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, хусусан, "Жаҳон адабиёти" журналидаги ижодий-ташкилий фаолияти билан ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган жонкуяр ва талабчан муҳаррир.

Ватан тақдирига даҳлдорлик, халқ дардига ҳамнафаслик, эл-юрт хизматига камарбасталик — шоирнинг сиёсий-ижтимоий мавзудаги шеърларининг ўқ илдизини ташкил этади. "Истиқлол", "Ватан", "Туркистоним", "Верешчагин армони", "Абдуллатиф ўлими", "Қатағон йиллари", "Темур севган ривоят", "Инқилоб", "Ватан исминг ёд этсам..." каби шеърлари XX аср тонгида Чўлпон бошлаб берган, Ғафур Ғулом юксак босқичга кўтарган, Абдулла Орипов ҳассослик билан давом эттираётган сиёсий-ижтимоий лириканинг гўзал ва ёрқин намуналаридир. Унинг Ватан ҳақидаги шеърлари турфа баландпарвозликлардан ҳоли, содда ва самимий. Ватан меҳри ватандан узоққа тушганда билинганидек, шоир ҳам дунёни кезганим сари сени қаттиқроқ севдим, дейди ва бу иқрорнинг самимийлигига ишонасиз. Ёки:

Бошга ғам сояси тушиб турган кез,
Чорасиз боқурмиз гангиб дафъатан.
Ҳолбуки, урвоқча эмас севгимиз,
Сен чеккан ғуссалар олдида, Ватан!

У Ўзбекистонни "ғамгузор бир она" сифати билан алқайди; истибдод йиларида фидойи фарзандлар қалбида "йиғлаган ватан" қайғусини ички бир алам-изтироб билан ше

МУСТАҚИЛЛИК — ЧИН ҲУРЛИКНИНГ ДАВРОНИ

Ибройим ЮСУПОВ

“ИШ БИЛГАНГА ЗАМОН КЕЛДИ, ЙИГИТЛАР...”

Ибройим отаям етмиш бешдан ҳатладилар...

Куни кечагидай ёдимда (шунгаям бир йил бўлибди), Нукуснинг иссиқ офтоби осмони фалакка чиқиб, “ёнмайсанми” деб заминни заптига олиб турган жазирама кунларнинг бирида шоир Бозорбой Сейтоев, укам Мансур Аҳмад учаламиз отанинг икки қаватли уйига “бостириб” бордик. Ўшанда ҳайрон қолганман (сўнг ҳамроҳларимга айтганман ҳам): Ибройим отани, Тўлепберган отани ҳар гал зиёрат қилганимда, кўнглим... ўсганини, кенгайганини аниқ ҳис қиламан, деганман.

Буни қаранг, ўтган бир йилнинг ўзи Ибройим отани янада ёшартириб юборибди. “Ёшартирибди” деганимнинг маъноси — юзлаб янги-янги шеърлар ёзилган, достонлар эълон қилинган, хитойлик донишманд шоир Ду Фу (VIII аср) дан шеърлар таржима қилинган, эсдалик-хотиралар ёзилган — бир сўз ила айтганда, ота тўлиб-тошиб ижод қилаётган эди. Қаердан биласан, дерсиз, мен қорақалпоқ матбуотини мунтазам ўқиб-кузатиб бораман, кўрганларимни айтяпман-да. Ҳа, дарвоқе, ўтган йили зиёрат чоғи отанинг ўзлари тинмай ижод қилаётганидан гап очган эди: “Энди, мана бу мустақиллик даврида ёзадиганимни ёзмасам, айтадиганимни айтмасам, уят-ку, болам...”

Дарҳақиқат, Мустақиллик замони Ибройим отанинг илҳомига илҳом қўшиб, жўштириб юборди, шеърларида донишмандона руҳ, мустақиллик фалсафаси, теран бир файласуфона нигоҳ пайдо бўлди, спортчилар тили билан айтганда, Ибройим Юсупов ижодиётида “иккинчи нафас очилди”. Бу — айнан Мустақиллик бахш этган шукуҳ, янги даврон неъматларидан тўлақонли баҳрамандлик, шукроналик ва ижодкорона бахтиёрлик, масъудлиқ эди. Зеро, Юртбошимиз бундан бир неча йил муқаддам Ибройим Юсуповга шахсан хат йўллаб, оғанинг ижодини, шеърларини мутолаа қилиб бораётганини таъкидлаган эдилар. Афкори омманинг эсида бўлса керак, ўшанда Юртбошимиз Юсупов шеириятидаги лирик кайфиятни, фалсафийликни, ҳаётсеварликни алоҳида таъкидлаган эдилар.

Мана, меҳр-мурувватли йилда Ибройим отанинг янги китоби — “Ҳар кимнинг ўз замони бор” номли шеърлар тўплами (“Қорақалпоғистон” нашриёти, 2004 йил) ва таниқли қорақалпоқ адабиётшуноси Жонузоқ Эсеновнинг донишманд шоир ҳақидаги кўламлигина тадқиқоти — “Шеърият юлдузи” (“Билим” нашриёти) чоп этилибди. Отанинг янги тўпламидаги янги шеърларни мутолаа қилиб ўтириб, беихтиёр китоб муқовасидаги нуроний чеҳрага тикиламан ва яна... кўнглим ўсаётганини, кенгаяётганини ҳис қиламан, ўтган йилги қизғин сухбатлар лаззатини соғинаман, соғинаман.

Севимли адабиёт газетамиз ўқувчилари эътиборига Ибройим отамнинг янги шеърларидан саралаб қилган таржималар намуналарини ҳавола қилар эканман, яна отанинг ўтган йилги зиёрат чоғи бизни кузатаётиб, бироз хириллаган, сокин овозда айтган соғинчли саломларини ёдга оламан:

— Абдуллага салом айт. Эркинга салом айт. Омонга салом айт. Тошкентликларга салом айт. Келишсин...

Ота, бу шеърларингизни ўқиган ҳар бир ўқувчи Сизни табаррук 75 ёшингиз ила қутлайди, Сиздан янги-янги шеърлар, достонлар, хотира-эсдаликлар кутиб қолади, деб умид қиламан.

Шеърларингизни мамнуният билан ўзбекчалаштирган болангиз — Музаффар АҲМАД

ИККИ СЎЗ

“Ассалом!” демаклик аввал бошида
Пайғамбар суннати — инсонга ҳурмат.
Дўстлар, янги аср бўсағасида
Дийдор кўришувнинг ўзи ғанимат.

Дунё — бузуқ уясидир арининг,
Кўргинг келмаганни баъзан кўрар кўз.
Тилинда, дилинда ҳозир барчанинг
Тинчлик ва тотувлик деган икки сўз.

Кўп халқлар аросат азобин чекар
Президентдан тортиб деҳқонга қадар.
Уйқу ўғирловчи не? — десанг агар,
Тинчлик ва тотувлик деган икки сўз.

Олис Косовоми, Кавказ тоғданми,
Мазлум Фаластинми ёки Афғонми,
Умид юлдузига термулишган кўз.
Кўп ерда айланган битмас армонга
Тинчлик ва тотувлик деган икки сўз.

Мустақиллик — чин ҳурликнинг даврони,
Оллоҳ насиб қилди бизларга ани,
“Ўт ичида сақлагандай пахтани”,
Тилимизда, дилимизда ҳар бир кез
Тинчлик ва тотувлик деган икки сўз.

Яхши умид ила яшайди одам,
Эрта тўлиб оқар сувлар дарёдан.
Бир кун оқ нон ермиз, бир кун қора нон,
Яхшилик бунёдин кўравергай кўз.
Меҳнаткаш халқ тилаги шу ҳар қачон:
Тинчлик ва тотувлик деган икки сўз.

Ҳалол меҳнат билан гуллатиб элин,
Ўзбек ўзи билар яшашнинг йўлин.
Юртига, дунёга тилаги унинг:
Тинчлик ва тотувлик деган икки сўз.

Ҳақ йўл мустақиллик карвонимизга,
Донолик тилаймиз Сарбонимизга!
Мангу насиб этсин даврониимизга
Тинчлик ва тотувлик деган икки сўз.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЗАМОНИ БОР

Гулшанларда гул очилмас
Гул мавсуми келмагунча.
Овул-эллар обод бўлмас
Деҳқон йили бўлмагунча.

Ҳар мавсумнинг бор ўз гули,
Ҳар гулнинг ўз жамоли бор.
Ҳар фаслнинг ўз манзили,
Ҳар кимнинг ўз замони бор.

Биров — донгдор ишбилармон,
Биров — спорт чемпиони.
Қимда овоз бордир хушхон,
Ёшлар яхши кўрар ани.

Компьютерлар замонининг
Ишида не чек бўлади?
Илм, истеъдод, техниканинг
Каромати кўп бўлади.

Четданмисан, марказданми —
У ажратмас сиёсатлаб.
Чикагоми, Чимбойданми,
Ким бўлсанг ҳам кетмас ҳатлаб.

Евразия физикларин
Баҳслашганда ҳайрон қилган:
Уч олтин медалнинг барин
Ютиб, ютиб, ютиб олган.

АҚШ ё Хитойнингмас,
Нукуснинг бир ёш боласи.[1]
Шундай ёшлар, ажаб эмас,
Бўлса илм дурдонаси.

Балки шулар Сарез кўлин
Туташтириб Орол билан,
Қондирар денгизнинг чўлин,
Сўз бор “зарра — нажот” деган...

Хўжайлининг бир нозанин
Қизи Урол — доктор, олим.
Ким ўйлабди, айланайин,
Бўлар деб дунёга маълум.

Ўз замони келди, демак —
Донғи ер юзига кетди.
Бутун Осиёга деган
Нишон унга насиб этди.[2]

Айтай Қуттибоевни[3] ҳам,
Ғеркулесдай у қудратли.
Ўзбекистон байроғини
Тўрт марта у ҳилпиратди.

Ақл, иштиёқ, талант, меҳнат,
Ҳам ҳар кимнинг замони бор.
Шу жойда оз-моз сабр эт,
Гапнинг бошқа томони бор.

Баъзилар шон-шуҳрат қувиб,
Ижод йўлин ташлаб кетар.
Қайнаб турган булоқ совуб,
Чашмаларнинг кўзи битар.

Қаламкашлар бўлди шундай,
Шон-шуҳратга барин сотган.
Китобининг бири қолмай
Мақтов, олқиш олаётган.

Шуҳрат топди улар шундан,
Иттуйнақдай тухум ёйди.
Энди кўрсанг, унутилган,
Ёзганин юрт ўқимайди.

Ўз замонинг — бу ҳам даврон,
Умринг бўйи бир келади.
Шон-шуҳрат деб бўлсанг нолон,
Булоқ кўзи беркилади.

Қандай унвон олганлигин
Берунийнинг, Бердақларнинг.
Ҳеч ким сўрамайди бугун
Номларин халқ ардоқлар чин.

Талант оти яхши чопса
Шон-шуҳрат эргашиб юрар.
Қизи яхши куёв топса,
Қудағайлар ўзи келар.

ШОИР

Абдулла ОРИПОВга

Кеча икки йигит Чимбой йўлинда
Автобусда қаттиқ сўзлаб келишди:
“Радиодан айтди, Тошкентдан бунда
Абдулла Орипов келди!” — дейишди...

— Қим дединг, ким? — бир қария сўради.
— Ўзбекнинг ҳозирги улуғ шоири!
У ҳам асли бизга яқин бўлади,
Ўза манғит, Неқўз эмиш овули...

— Бизга оғайни-ку, сира эмас ёт! —
Бир оқсоқол елка керди шу заҳот.

Гап суқди бошқа бир кайвони кампир:
— Муаллим ўғлим бор уйда, қарайман,
Телевизорда чиқса, худди шу шоир
Ўхшаб-ўхшаб кетар ўғлимга айнан...

— Тарихни билмаган эҳ содда одам... —
Деди бир шляпа кийган қийшиқ кўз. —
“Манғит”, “Нукус” деган бор ўзбекда ҳам,
Ҳув қадим замондан келаётган сўз...

Тонг қолмадим мен уларнинг сўзига,
Талай эшиттанман аввал ҳам, чиним.
Иссиқ кўринасан юртнинг кўзига,
Эл севган шоирсан, Абдулла иним.

Бул ердаги халқда одат бор қизиқ:
Яхши одам келса, битиб муроди,
Оқ кўнгилдан қора қалпоқ кийгизиб,
Дарҳол ўз қавмига қўшиб олади.

Азиз Юртбошимиз айттан сўзи бор
Бизнинг халқнинг бул одатин ҳурматлаб:
— “Мен биргина ўзбек халқининг эмас,
Қорақалпоқнинг ҳам фарзандиман!” — деб.

Шундай сиз ҳам, Мустақиллик қуйчиси,
Ҳазрат Навоийнинг донгдор урпоғи.
Бердақ авлодлари ҳурматлаб сизни,
Севар янги замон қорақалпоғи.

Хушомад сўзлардан тўйган халойиқ
Севиб ўқир сенинг ашъорларингни.
Буюк эъзоз — истеъдодингга лойиқ,
Пок тутасан шоир номус-орини.

“Қизил мафкура”нинг тегирмонига
Сув қуйиб, ел бериб, тахт турса кимлар,
Зар муқова қоплаб китобларингга,
Халқ берди шеъринга энг буюк минбар.

Ёлғончилик устун эди чининда,
Хушомадгўй юрди тантана қилиб.
Сен-чи, ҳақиқатни ҳар ёзганингда,
Зуғум қилишарди тўбангдан уриб...

Замон ўнг айланди, Худога шукур,
Ёлғон қофиялар ярашмай қолди.
Ҳаққонийлик учун бошланди давр,
Халқ ўз тақдирини қўлига олди...

Халққа сўз уқтириб, ишқида ёниб,
Уни руҳлантирган шоир бахтиёр.
Куйла, шоир, замонангда қувониб,
Сўзинг эл кўнглида топсин эътибор.

Бахтлиман илашиб мен ҳам кўп билан,
Янги замондан жўш олганим учун.
Синовда, сафарда Абдулла билан
Замондош, ватандош бўлганим учун.

КЕЛГАН БЎЛДИМИ?

Иқболинг уйғониб, бахтинг ёнмаса,
Ёлғончи дунёга келган бўлдими?
Ишқу висолидан меҳринг қонмаса,
Муҳаббат боғига кирган бўлдими?

Яйраб Худо қўшган хушторинг билан,
Қадринг билган дилбар, дилдоринг билан,
Яйраб висол қурмай дўстларинг билан,
Беш кунлик давронни сурган бўлдими?

Гул ишқида куймоқ — булбулнинг кори,
Соғинганим — она тупроқ баҳори,
Садқа қолган орзу-армоннинг бори,
Ёт юртда тушимга кирган бўлдими?

Қаноти сув бўлган оққушдан мисол,
Ёшинг қайтса, яйраб учолмас хаёл.
Қабрингнинг бошида бир яхши аёл
Йиғлаб қолмас экан — ўлган бўлдими?

1. Евразия физиклари танловида қаторасига учта олтин медални қўлга киритган Нукуслик ўқувчи Алишер Санетуллаев кўзда тутилмоқда.

2. Ҳар қитъага битта бериладиган халқаро Гольдман мукофотининг соҳибаси, тиббиёт фанлари доктори, республика “Фарзанд” жамғармасининг раиси Урол Отаниёзова.

3. Муайтай бокси бўйича тўрт марта жаҳон чемпиони Эркин Қуттибоев.

Дунё—кенг...

ТИБЕТДАН ҚИДИРИЛГАН «НАЖОТ»

Яқинда бир қатор мамлакатлар — Германия, Буюк Британия ва АҚШ ҳукуматлари Учинчи рейхнинг айрим архивларини ошкор этиш мумкин бўлган муҳлатни эълон қилишди. Бу ҳужжатлар 2004 йили, яъни ўша воқеалардан роса юз йил ўтиб очилиши мўлжалланган. Бирок нацистларнинг баъзи бир архивларига қўйилган “махфий”лик тамғаси қачон олиниши айтилмаган. Улар орасида эсэснинг беш зобитидан иборат махфий экспедициянинг Тибетга сафари билан боғлиқ тафсилотлар ҳам бор экан. Гиммлернинг буйруғи билан сирли ўлка — Шамбалага йўл олган зобитлар, ривоятларга кўра, бу ердаги ер ўқини топишмоқчи бўлишган...

ЙЎҚОЛГАН ЭКСПЕДИЦИЯ

1942 йил 28 ноябрда, Сталинградда фашистларнинг қўшини қамал қилиниб, Африкада бутун бир дивизияси тор-мор этилгач, эсэс рахбарияти Гиммлер бошчилигида Гитлерга 2000 бетли докладдан иборат янги таклиф билан киришади. Гиммлернинг докладида (ундаги айрим маълумот 1990 йили биринчи марта эълон қилинган) зудлик билан Тибетга тажрибали алпинистлар ва олимлардан иборат махсус гуруҳ жўнатилиши, бу гуруҳ Шамбаладаги ғорларда ер ўқини топиб, уни тескари айлантириш лозимлиги айтилган. Шундай қилинганда Германия ўзи учун омадли бўлган 1939 йилга қайтади — хатолардан хулоса чиқариб, яна урушни бошлаб, ютиб чиқади, деб ишонилган.

Хуллас, 1943 йил январида мутлақо махфий ҳолатда беш киши австриялик моҳир алпинист Генрих Харрер бошчилигида Берлиндан Тибетга йўл олади. Улар орасида Гиммлернинг ишонган одами Петер Ауфшнайтер ҳам бор эди. Хиндистонда британияликлар уларни ушлаб, қамоққа ташлашади. Бирок экспедиция аъзолари қамоқдан қандайдир йўл билан қочиб чиқиб, шу йилнинг охирида Тибетга етиб келишади. Шундан кейин уларга нима бўлгани ҳозиргача қоронғи.

Харрер Тибетда Шамбалани қидириб беш йил саргардон юради ва бир ҳинд савдогаридан уруш тугаб, Германия енгилганини эшитади. Бу пайт унинг гуруҳида фақат Ауфшнайтер қолган эди.

Хўш, эсэсчилар экспедицияси бу йилларда қаерда бўлган? Айрим тарихчилар Харрер охир-оқибат ер ўқини топган, лекин уни орқага айлантиришни билмаган, деб тахмин қилишади. Ривоятларга кўра, ер ўқида жуда улкан қувват йиғилган, унинг яқинига йўлашнинг иложи йўқ. Шу боис ҳам Шамбала дунёни бошқариш маркази ҳисобланада. Кимки унга қўл теккиза олса, сеҳрли куч-қудратга эга бўлади, Шамбала қуввати мангу ҳаёт бахш этади, дейилади афсоналарда. Гиммлер, агар ер ўқи топилса, у ерга минглаб десантчиларни ташлашга ва енгилмайдиган “Ўлмас лашкар”ни ташкил этишга тайёр бўлган.

ЕР ЎҚИНИНГ СИРИ

Харрер Тибетда Далай-лама саройида (у болаларни инглиз тилига ўргатган) бўлиб, 1951 йили Австрияга қайтиб келади. Ўзи билан бирга жуда катта архивни ҳам олиб келади ва бу архив ўша заҳотиёқ британияликлар томонидан олиб қўйилади. Кейинчалик бу алпинист “Етти йил Тибетда” номли хотира китобини чиқаради. Харрер ўзининг Гиммлер томонидан Тибетга жўнатилганлигини ўлимигача расман тан олиб айтмаган.

Эсэсчиларнинг Тибет экспедицияси архиви ва кинотасмаларга туширилган суратларни британ ҳукумати ошкор этишни рад қилаётир.

— Кейинчалик мен бир неча бор европаликларга тушунтирдим: Шамбала мавжуд, бирок у сиз тасаввур қилгандай эмас, дедим, — дейди Далай-лама, — унга шунчаки келиб, қўл теккизиб бўлмайди. Шамбала бошқа ўлчамда, ер ўқини кўриш онги такомиллашиб, олий даражага етишганларгагина насиб этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, қорақалпоқ шоири Улманбет Хўжаназаровга ўғли **Муқом-Мадраим ХЎЖАНАЗАРОВ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Норқул Бекмирзаевга қизи **ДИЛОБАРнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги бадиий экспертиза бошқармаси бош саньатшунос-эксперти Дилафрўз Умарбековага ҳамда Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбековга келинлари **ЖАМИЛАХОНнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҲИКОЯ

ТЎЁНА

Абдусаттор ҲОТАМОВ



Одилжон қиз узатадиган бўлди. Куёв кенг елкали, қорақош йигит экан. У куёвни уйига таклиф қилди, танишди. Меҳмонхонанинг тўрига чиройли стол ясатилиб, бўлажак қайнота ва куёв суҳбат қуришди.

Одилжон йигитнинг уйидагилари, институтда сиртдан ўқиши, тузуккина жойда ишлашидан хабар топди. Оғир-вазмин, бироз тортинчоқ йигит экан. Қизиқ, ўйлади Одилжон, у мени “ада” дермикан? Кейин қизи билан бўлажак куёвини ёнма-ён тасаввур қилди. Нигора нозиккина, қорачадан келган. Оққуш мисол енгил юради. Севимли қизи бунгача не-не йигитларга ёққан, лекин энди кимларнингдир кўзининг оқу қорасини ҳам ёқтирмаган қизининг тўйи бўладиган! Ўзи хоҳлаган, ўзи севган, балки ўз кўнглидаги баркамол йигитга турмушга чиқадиган бўлди.

Эр-хотин тўй харажатларини чамалаб, енгил тортишди. Ҳар қалай кучлари етаркан. Кимларни айтишади? Бирма-бир рўйхат тузишди. Синфдошлари ҳам қолиб кетмади. Биринчи тўйнинг завқи бошқача бўлади. Ўн кун олдин тўйга айтишни бошлашди. Эр янги костюм-шим, оқ кўйлакда, хотин орзулаб тиктирган “помбархт”, асл чарм туфлида “Тико”да йўлга чиқишди.

Машина елдек учиб бораркан, Одилжон синфдоши ўзини қандай кутиб олишини ўйларди. Анча йиллар бўлди кўришмаганига. Новча, озғин Шерзод ўзгарганмикан?

Ниҳоят, тепаликдаги бир қават оппоқ бино олдига келиб тўхташди. Бу аллақандай илмий-текшириш институтининг тажриба хўжалиги экан. Раҳимжон ичкарига кириб, узун йўлак бўйлаб юриб тўппа-тўғри қабулхона олдидан чиқди. Эшикни очиб, кўзлари яшнаб кетди. Ичкари гўё гулхона, турфа ранг ўсимликлар яшнаб турарди. Тўғрида лабларига олча рангини сурган, ясама киприкли, зулфлари ўзига ярашган, йигирма беш-ўттиз ёшлардаги аёл чой ҳўплаб ўтирарди.

— Бормилар? — Одилжон “Шерзод” дейишга жазм қилолмади. Отасининг исмини эса билмас, “вич, вич”лар гўё дўстига ярашмагандай эди.

— Шерзод Набиевич бандлар, — деди котиба уни ўтиришга таклиф этиб. Сўнг ялтироқ пиёлада чой қуйиб берди. — Мажлис ўтказяптилар.

Ярим соатча кутди. Диққати оша бошлади. Таклифномани котибага ташлаб кетаверсаммикан? Унда эслармикан? Сал гиначироқ эди, кейин хафа бўлса-чи? Кел, таклифномани қолдирай, ҳали тўйга айтадиган одамлар кўп деб жўнаворгоқчи эди, эшик очилиб ходимлар чиқиб келишди. Одилжон енгил тортди. Кийимларига қараб олиб, ичкарига кирди. Дўсти бироз хаёлчан, чарчаган ҳолда ҳалиям столдан бош кўтармай ўтирарди. Уни кўриб, қотиб қолди. Сўнг ўрнидан илдам туриб, оғайниси томон талпинди:

— Дўстим, Одилжон! Бормисан, омонмисан?! Қандай шамол учирди?

Ҳол-аҳвол сўрашишди. Синфдошлар муаллимларни эслашди. Бир пайтлардаги қиликлари, ҳазиллари ёдларига тушиб кулишди, ўтганларни бир-бирларидан эшитиб, маъюс тортишди. Одилжон дўстига:

— Ўзгарибсан, — деди жилмайиб, — қорин қўйибсан, салобатли бўлиб қолибсан. Амал ёқибди!

Шерзод жиддий тортди:

— Бу амал эмас. Вақт ўтаяпти. Шунга. Баъзан ўйлаб қоламан. Мана, қирқдан ошдик. Нима фойдали иш қилдик. Кимнинг кўнглини олдик? Ахир, инсон бир марта яшайди. Фақат бир марта-я! Ишда баъзи пайтларда кимларнидир хафа қилиб қўйдимми, деб ҳам ўйлайман. Хизматчилик, қаттиқроқ гап айтиб юборасан. Шунда ўзим ҳам кечалари мижжа қоқмай чиқаман. Аввало, ўзим қийналаман.

Одилжон қараса, дўстининг гаплари ҳозирги мажлис таъсиридан, тугаши қийин, дардлашишга эса вақти йўқ. Пастда машинада хотини диққат бўлиб ўтиргандир...

— Тўйга айтгани келдим! — деди у дафъатан. — Қиз узатаяпман.

Дўстининг кўзлари чақнаб кетди:

— Сен-а! Кечаги бола-я! Муборак бўлсин. Нима хизмат бор? Айт, тортинма.

— Ўзинг борсанг, шу катта хизмат. Синфдошлар бир дийдорлашамиз, суҳбатни ўша ерда давом эттирамиз.

Шерзод баттар ёпишиб олди:

— Айт хизматни. Ахир, ёрдамчи бўлсаям, бир хўжалик раҳбариман.

— Ҳеч нарса керак эмас дедим-ку, ҳаммаси етарли.

Шерзод қатъий оҳангда уқтирди:

— Бўлди! Сабзи, пиёз мендан. Тўёна! Қўрқма, хўжалигимизда йўқ. Бозордан пулини тўлаб олиб бораман.

Одилжон тезроқ кетиш учун таклифномани тутқазди-да, ўрнидан турди.

Шерзод уни узун йўлак адоғигача кузатиб қўяркан:

— Тағин бозордан сабзи, пиёз сотиб ола кўрманглар-а, — деб тайинлади.

Машинада қовоқ ўйиб ўтирган хотини “намунча!” дейишини аввалдан билиб, Одилжон машинага ўтирар-ўтирмас ҳаммасини гапириб берди.

— Майли, — деди хотини чеҳраси ёришиб. — Сабзи, пиёз ташвишидан қутулибмиз.

— Ҳа, — деди Одилжон ҳам негадир кўнгли ғаш. — Ўзимиз оламиз, десам, қўймади-да. Тағин бозордан олиб борармиш.

Хотини суюнгандек бўлди.

— Тўёнадир-да. У ҳам тўй қилса, олиб борарсиз бирор нарса.

Тўй бошлангунча экан. Кунлар ғир этиб ўтиб кетди. Бугун сабзи тўғрар. Одилжон эрталаб уйидан чиқмасдан қўшнилар эшик тақиллатиб ҳовлига кириб кела бошлашди. Маҳалла омборхонасидан қозон-ўчоқ, самовар келтиришди, стол-стуллар ҳам пайдо бўди. Ҳар ҳолда, эртанги ошга ҳаммаси тахт қилингани яхши-да. Бу ишларга маҳалла фаоли, чўрткесар, чапани Ҳайдар мўйлов бош-қош эди. Одилжон аслида уни унча хушламас, баъзан кўчанинг нариги бетида кўрса, ўзини четга олиб қочарди. Негалигини аслида ўзи ҳам яхши билмасди. Балки савлати, эҳтимол, тўғри сўзлиги учундир. Эрталаб ошга чиқмаганни сабаб танбеҳ бериб қолишидан ҳайиқар.

Аслида маҳаллада шундай одам бўлгани маъқуллигини у ҳозир юрагидан ҳис этиб турарди. Бирига у, бирига бу ишни буюриб, дарров ҳаммани уюштирди-қўйди. Ўзи эса қўлини совуқ сувга урмас, гоҳигоҳи чўнтагидан бежирим шиша идишча олиб, нос ташлар, атрофдагиларга гапини англар-англамас тушунтирарди. Баъзан бирдан тутоқиб, кимнидир уқувсизлиги учун қойиб берар, гоҳо латифа айтиб ҳаммани кулдирарди.

Шу тарика ишлар юришиб турганда Ҳайдар мўйлов Одилжонни чақириб қолди. Ташвишлардан боши қотиб юрган Одилжон Ҳайдар мўйлов олдида дарров пайдо бўлди.

— Хўш, укахон, — деди у носдан бир отим оғзига ташлаб. — Энди сабзи, пиёзни келтир-чи.

Одилжоннинг ичи узилиб кетди. Шерзоддан ҳали дарак йўқ. Бозорга боришга вақт қани! У индамай тураверди.

— Ҳой, — деди Ҳайдар мўйлов, — намунча анграясан? Олиб чиқсанг-чи!

— Йўқ, — Одилжоннинг оёқлари қувватсизланиб чўккалаб қолди.

— Нима, ҳали йўқми? — Ҳайдар мўйлов бирдан хо-холаб кулиб юборди. Ҳовлида юрган эркаклар улар атрофига тўпланишди. Пешайвонда ўтирган аёллар ҳам нима гап экан деб, зийрак тортишди. Одилжон бу ноқулайликдан саросималаниб, кўча томон юрди. Йўл-йўлакай хотинига дуч келди.

— Э, ўша оғайнингизнинг ваъдаси қурсин! — деди у лабларини буриб, — шарманда қилди-ку!

Одилжон боққа ўғирликка кириб қўлга тушган боланинг аҳволида эди.

— Нима қилай, ахир, ўзи қайта-қайта ишонтирган эди-ку.

Хотини баттар овозини баландлатди:

— Э, ишонтирмай ўлсин. Ўйламайдими, эртага тумонат одамга ош берилса. Сиз ҳам шалпайиб юравермай, бозордан олиб келиб қўйсангиз бўларди-ку!

— Ўчир овозингни! — бақириб юборди Одилжон бирдан.

Орадан ярим соатча вақт ўтар-ўтмас ҳовлидан Ҳайдар мўйловнинг гумбирлаган овози эшитилди.

— Қани, ҳой одамлар! Ана, сабзи, пиёзни олиб келишди. Сал кечикишди. Шунга ота гўри қозихонами? Ҳамманглар тўғрашга ўтиринглар.

Ўзи биринчи бўлиб кўрпачага ўтириб, бошлаб берди. У ишга киришдими, тамом, бошқалар тик туриб кўрсин-чи!

Кўпчилик барибир яхши-да. Икки соат ўтар-ўтмас ҳамма иш саранжомланди. Хизмат қилганлар чиройли ясатилган дастурхонга таклиф этилди. Шўрва тортилди. Ҳеч ким бояги дилхираликни эсламас, ошпаз сабзи, пиёзнинг сифатини мақтарди. Шунда бирдан Одилжоннинг хаёлидан “Шерзоднинг ўзи йўқ, сабзи, пиёзни ким келтирдийкан”, деган ўй ўтди. Ўтирганлар орасидан секин сирғалиб чиқиб, Ҳайдар мўйловга рўпара келди.

— Бу... — деди чайналиб, — ким олиб келди?

Ҳайдар мўйлов нос шишасини тиззасига бир уриб силкитди-да, қийиқ кўзларини қисиб қаради:

— Э, ўша оғайнингни! — деди кўзлари чақчайиб. — Қизиқ экан-ку. Ҳаммасини келин айтди. Хафа бўлишга арзимайди. Биласан, бўйрадеккина томорқам бор. Мушак сабзи сепгандим, роса бўлиб берди. Тўрт қопини эртага бозорга тайёрлаб қўйганман. Биттасини олиб чиқдим. Озгина пиёз қўшдим. Мендан сенга тўёна, болам!

Одилжон Ҳайдар мўйловни қучоқлаб олди, кўзларига ёш қуйилиб келди.

— Раҳмат! — деди маҳалладошини қўйиб юбормай. — Минг раҳмат. Шарманда бўлишдан қутқардингиз.

— Жим, — деди Ҳайдар мўйлов бармоғини лаблари устига қўяркан. — Овозингни чиқарма. Хафа бўламан.

У шундай деб кафтидаги носни тилининг тагига ташлади-да, ўтирганларга:

— Қани, ҳой қўшнилар, турдик энди, бошқа ишларни қилайлик.

Одилжоннинг кўнгли ғашланди: “Шерзодга нима бўлди? Албатта, бир кун аввал сабзи, пиёзни тўёна қилиб бораман, деганди-ку. Бировга қолган кун шундай бўладими? Унда Ҳайдар мўйлов ҳам биров-ку. Қизиқ, олдимиздан оққан сувнинг қадрига қачон етамиз”.

Бироздан кейин меҳмонларни кузатаётган хотининнинг шўх-шодон чеҳрасини кўриб, кўнгли ёришди. Кўз олдида охудек қизи билан у томон бироз эгилиб келаётган тик қомат, қорақош куёви гавдаланди. Чарчоқлари тарқаб, ўзини қушдек енгил ҳис этди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Саньат бўлими: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Фарҳод МАҲКАМОВ
Саҳифаловчи — Шоҳрух ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 764. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
Тиражи — 4564